



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 30-oktyabr №44 (4339)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Мухаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИНСОНГА МЕХР КЕРАК, ЭЪТИБОР КЕРАК

Соғлом ва баркамол, гўзал авлодни тарбиялаб ўстириш, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан уларни етук инсонлар сифатида вояга етказиб, эл-юрт хизматида қўйиш иши муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов бошчилигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланиши кишини бағоят мамнун этади. Ота-она қаровисиз колган болаларнинг жиддий ижтимоий ҳимояга олингани, таълим ва тарбиянинг умумэтироф этилган қондалар ҳамда миллий кадриятларимизга муносиб тарзда олиб борилаётгани, худди шундай қаровчиси йўқ қарияларга ғамхўрликлар кўрсатилаётгани олқишларга сазовор савоб ишлардандир.

Шу маънода мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, шунингдек, "Саховат" интернат уйлари (ҳозир мамлакатда 12 та шундай уйлар фаолият кўрсатмоқда)га катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизнинг турли вилоятларига борганда мен, албатта, шундай масканларни сўраб-суриштираман, зиёрат қиламан, учрашувларда иштирок этаман. Кейин инсон ҳаётининг, тақдирининг чигал ва мураккабликлари ҳақида ҳаёлларга бериламан. Инсонга меҳр керак, эътибор керак, деган қадим, ҳеч қачон эскирмайдиган ҳаётий ҳикмат ёдимга келаверади...

Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги "Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун "Болалар шаҳарчалари" тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 104-сонли қарорига асосан ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Болалар шаҳарчаси ер майдони 5,5 гектарни ташкил қилади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш, ўқитиш ҳамда боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатлаштириш яқинда 23 йиллиги нишонланадиган Ўзбекистон Конституциясида ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда ҳуқуқий асос сифатида мустақамлаб қўйилган. Замонавий барпо этилган Болалар шаҳарчаси жуда обод, гавжум, кўркем бинолари билан дарҳол диққатни ўзига тортади. Бу сўлим шаҳарчада Андижон кўркига кўрк бўлиб қўшилди, деб айтиш мумкин. Болалар шаҳарчаси боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқининг ҳаётдаги ёрқин ифодасидир.

Шаҳарчада оила-оила бўлиб яшашади. Дастлаб 10 оилада 61 нафар бола тарбияланган бўлса, (ҳар оила бир бинода яшайди, унинг 7 нафар боласи бўлади) ҳозирги кунга келиб 13 та оилада 93 нафар бола тарбия олмақда... Тарбияланувчиларнинг 39 нафари қиз болалардан иборат. Уларга 13 нафар тарбиячи-она ва 7 нафар тарбиячи-хоталар тарбия беришмоқда.

Жами тарбияланувчиларнинг 25 нафари 3-6 ёшгача, 42 нафари 7-10 ёшгача ва 26 нафари 11-15 ёшгача бўлган болаларни ташкил этади.

Болалар турли жойларда ўқишади. Чунинчи, 2 нафар бола Асака туманидаги 25-спортга йўналтирилган мактаб-интернатга қатнайди, 7 нафари Марҳамат туманидаги 31-давлат иxti-сослаштирилган мактаб-интернатда, 12 нафари Андижон шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабда, 58 нафари Андижон шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабда ва 3 нафари Андижон шаҳридаги 68-мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия олади.

Рақамларни шаҳарча ҳақида тасаввур аникроқ бўлиши учун келтирмоқдамиз.

Тарбиячи оналари етагида чиқиб келаётган болаларни кўриб, беихтиёр улуг шoir сатрлари ёдингизга тушади:

Чўчима, жигарим,
Ўз уйингдасан,
Бу ерда на гурбат, на офат, на ғам,
Бунда бор: ҳарорат, муҳаббат, шафқат

Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам...
Болалар шаҳарчаси таъминоти давлат бюджет-и орқали амалга оширилади. Таъминот учун 2014 йилда жами 1270,9 млн. сўм маблағ ажратилган эди.

Болалар шаҳарчасида 20 та замонавий бино ва турар-жойлар, ёпиқ сузиш ҳавзаси, стадион, болалар ўйингоҳлари, етти спорт тури заллари мавжуд. Барчаси болаларнинг оила шароитида ўсиб-ўлғайишлари, жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб тарбияланишларига қаратилган. Инглиз тили, мусиқа, вокал, хореография, бичиш-тиқиш, тўқувчилик, тасвирий санъат ижодий тўғараклари ишлаб турибди, ёзги амфитеатр болалар ихтиёрида.

Давоми иккинчи саҳифада.

Донишмандлар айтиб кетганидек, қариганда ҳаётнинг фазйи кўп жиҳатдан одамнинг ҳаётсеварлигига, истак ва қизиқишлари уни нечоғли машғул эта олишига боғлиқ экан. Шу сабабли бўлса керак, кексайганда кимдир фурсатни бой бермай анвойи боғлар яратишга бел боғлайди.

УМРИМИЗ ЗИЙНАТИ

Кимдир "Хунарни асрабон нет-гумдир охир", дея атрофига неварачеварасио маҳалла ёшларини тўплаб билганлари, умри давомида бошқалардан ўрганганларини уларнинг руҳиятига сингдириш йўлида сазй-ҳаракат кўрсатади. Бошқа биров эса, эл-улуснинг туғилажак фарзандлари учун нақшинкор бешигу ўтов-уйлар, чавандоз йигитлар кўпкари чопадиган бедов отларга ярашиқ эгар-жабдуқ ясаш билан андармон бўлиб, умр ҳикматини эл-юрт учун фойдали, хайрли ишларга бош қўйишда, деб билади.

Қадимда нортуйани миниб узокни кўзлаган фидойи, бунёдкор халқимиз

орасидан бугун ўзининг ҳаёт тажрибасидан ўсиб келаётган авлодларни баҳраманд этиб қўлишни бурч деб тушунганлар, панднома китоблар битаётганлар, мактабу маҳалла-ларда вақтини ёшлар даврасида ўтказаятган ёхуд "Бешикдан қабрга-ча илм изла" ҳадисига амал қилиб, умри давомида ўқиб чиқишга улгурмаган китоблар мутолаасидан бош кўтармаётганлар ҳам озмунча эмас. Буларнинг ҳаммаси халқимиз истик-лолга эришиб, бахтли ва фаровон яшаш маданиятига эга бўлгани, Ўзбекиона турмушининг фазйи фазилати юртдошларимиз ёшига ёш қўшиб, ўртача умр кўриш даражаси

йил сайин ошиб бораётганида ҳам намоён бўлиб турибди.

Тиббиётнинг пирларидан бўлмиш япониялик доктор Хинохара Сигэ-кининг гувоҳлик беришича, мен қариб қолдим, энди бемалол оёқни узатиб ётсам ҳам бўлади, деб ўйлаш катта хато экан. Одамлар билан бир-га бўлиб гаштли ҳаёт суриш олға интилоққа ундайди. Қариганда тўшакка михланиб, фаол ҳаётдан қолсан-гиз — бундай кексалиқдан нима наф?

Қарияларнинг мустақил ва фаол ижтимоий фаолият билан машғуллигида ҳикмат кўп. Мамлакатимизда "Кексаларни эъозлаш йили" муносабати билан амалга оширилаётган тадбирларнинг кўплари истиқлол йилларида ҳаёт тарзимизда хайрли жараёнга айланган янги анъаналар, уларнинг изчил давом эттирилаётгани билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараён кекса ёшдаги кишилар, пурҳикмат бобо ва момоларимизнинг ҳамиша фаоллиқда умр кечиришини назарда тутди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Рустам НАЗАРМАНОВ олган сурат.

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК САҲНАСИ

Улкан истеъдоду улуг бунёдкорлик даҳоси яратган меъморий мўъжизалар билан ҳар гал юзлашганда гўё мозий саҳифаларини варақлагандек ҳаяжонга тўласиз, кўз олдингизда ота-боболаримиз енгиб ўтган синовлар, эришган ғалабалар жонланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар жабҳаси билан уйғунлиқда янгидан чирой очган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг маҳобатли биносига назар соламану халқимизнинг бетакрор даҳосига таъзим қиламан.

Театрнинг кўп йиллик таъмиридан сўнг очиш маросимида мамлакатимизда расмий ташриф билан меҳмон бўлган Япония Бош вазири Шиндзо Абэ иштирок этиб, кунчиқар юрт халқи номидан ушбу санъат қошонасига алоҳида эътибор ва ҳурмат изҳор этгани замирида катта ҳикмат бор. Улуг бобокалонимиз номи билан аталувчи муҳташам театр биноси ор-номуси кучли япон халқининг матонати, жафокшлигини ҳам ифодаловчи меъморий обидага айланган, десак адашмаймиз. Унинг бунёд этилиш тарихи бугунги тинч, осойишта даврда камолга етаётган авлодни ҳайратга солиш билан бирга жиддий мулоҳазага қорлаши аниқ. Зотан, ушбу санъат даргоҳига илк тамал тошининг қўйилиши ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирига — мустабид шўро тузумининг қатагонлари авж паллага етган даврга тўғри келади. Тез орада бошланган ва бутун инсониятни қонли домига тортган Иккинчи жаҳон уруши театр тақдирига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Қурилиш ишларида тақдир қарозоси билан юртимизга келиб қолган японияликлар ҳам иштирок этишди. Оғир қийинчиликлар, қурилиш

ашёларининг тақчиллигига қарамай, миллий қиёфага эга санъат қошонасини бунёд этишга эришилди. Янги бино юртимизда опера ва балет санъати ривожига замин яратиш билан бир-га, XX аср ўзбек меъморчилигининг нодир намуналаридан бири сифатида эътибор топди. Истиқлол йилларида халқаро миқёсдаги нуфузли фестиваллар, танлов ва концертлар мезбонига айланган театр биносининг тарихий-маданий, бадиий қиммати жаҳон миқёсида эътироф этилиб, ЮНЕСКО химоясига олинди.

Маҳобатли меъморий обидаларни бунёд этиш қанчалик улкан санъат ҳисобланса, уларни асраш учун ҳам катта эътибор, кенг қўламдаги ижодий изланишлар зарур. Мана шу омилдан келиб чиқиб, 2012 йили ҳукуматимиз қарори билан театр биносини реконструкция қилиш ишлари бошланди. Ўтган вақт давомида санъат қошонасининг асл қиёфасини қайта тиклаш баробарида, замонавий техник ускуналар билан жиҳозлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Давоми бешинчи саҳифада.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАДИКСИЗ ҲАЁТ — ТОТЛИ ҲАЁТ

Бир дўстимиз неварасини ўқишга кузатаётиб, мактаб берган манави сумканг жудаям чиройли экан-да, деб эркаталтса, миттвий кўзларини сурурли қақнатиб, бу сумкани мактаб эмас, Президент бобомиз совға қилганлар, дея унинг сўзига тузатиш киритибди. Буни эшитиб, юрагим негадир "жиз-з" этиб кетди, деди дўстим.



кундалик, расм дафтари, саноктахта, пластилин, чизгич, ўчирғич, улагич кибиларни ҳозиргина ўзлари танлаган партанинг устига бир-бир ёйишга киришганини кўриб, ўзинг ҳам туйқус кичкинтойга айланиб қолгандек бўласан. Сумкалардан бирига шартта чанг солиб, ичини пала-партиш титки-лаб кўриш иштиёқи туғилади дилингда. Ушбу манзара ҳар йили такрорланади. Бу йил олти юз мингдан зиёд боланинг қалби ана шундай улкан қувонгча чулғанди.

Президент совғасини олишининг гашти бекиёс, дедик. Аҳамияти-чи? Ҳа, асо-

сий гап, айнан, мана шунда! Бу тухфани олган ҳар бир кичкинтой мазкур мамлакатда уни ўйловчи, суюб-ардоқловчи Юртбошиси, унга алоҳида жон қуйдирувчи ҳукумати, шундай бой ўлкани вуҷудга келтира олган шербилак халқи борлигини, ортида қудратидан қудратли таянч мавжудлигини янада ёрқинроқ хис этса, не ажаб?! Буни чуқурроқ аңлаш мурғак дилларда ўзига ишонч уйғотади, боланинг руҳи кўтарилади, тобора дадил одимлайверади.

Адиб ва жамият

Давоми тўртинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Болаларимиз жуда салоҳиятли, хайрон қоласиз. Ғолибларимиз кўп! — деб қувонади шахарча директори фидойи аёл Дурдона Мўминова.

Ха, бундай савоб ишларни фидойи инсонларгина рўёбга чиқаради. Болалар шахарчаси фарзандлари маънавий ва маърифий соҳаларда ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Улар республика, вилоят ҳамда шахар миқёсида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловлар ҳамда оммавий байрам тадбирларида фаол қатнашиб келишмоқда.


Болалар шахарчасининг тарбияланувчиси, ҳозирда 9-синфда таълим олаётган Мухаббатхон Каримова 2012 йилда санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Шахарча ўз иш фаолиятини бошлагандан буён 71 нафар тарбияланув-

кониётларни берувчи "Тикув-бичув", "Пазандалик", "Авиа-моделизм" тўғрақлари ҳамиша гавжум, кутубхона, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устакхоналар эшиклари доим очик.

Шуни айтиш лозимки, "Меҳрибонлик уйи" раҳбарияти ҳокимликлар билан келишган ҳолда "воёга етган фарзандлари"ни турар жой билан таъминлаш қайғусини ҳам чекадилар. "Меҳрибонлик уйи" директори, фидойи аёл Д. Сувонова шундай дейди:

— Барча нарсаси инсон учун, дейдилар Юртбошимиз. Бундан айнан бизнинг "Меҳрибонлик уйи" миқсолида яққол кўриб турибмиз. Ўтган 2011-2013 йиллар давомида собиқ тарбияланувчиларимиздан 6 киши Тошкент шаҳридан тегишли тартибда уй-жой билан таъминланган бўлса, 2014 йилнинг август ойида яна 4 на-



Бошланиши биринчи саҳифада.

ва қариялар ўртасида "Энг чиройли аёл", "Юртни обод қилган кам бўлмас", "Энг ибратли қария", "Йилнинг энг яхши ходими" кўрик-танловлари чинакам серзавқ мусобақага айланиб кетади.

— Рамазон ойи кунларида, — ҳикоя қилади Дурдонахон. — Анъанавий

"Меҳр қолур, саховат қолур" хайрия акциясини ўтказдик, ифторлик қилиб, дастурхон ёздик. Савобнинг тағида қолдинглар, дейишди иштирок этганлар. Хайрия

акциямизга сартарошлар, вижакистлар, косметологларни таклиф этдик, улар соч турмаклаш, хина қўйиш, юз массажи ва пардозлари бўйича ўз маҳоратларини намойён этдилар.

Муассаса моддий-техник базасини кучайтириш, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар саховатпеша инсонларнинг беғараз ёрдамлари, ходимларнинг фидокорона меҳнатлари ўз самарасини бермоқда. Хомийлар томонидан футбол, бадминтон майдонлари, фавворалар қуриб берилди, 4 та коттежда қурилиш ишлари олиб боришмоқда (ҳар бир шинам коттежда 14 тадан қария истиқомат қилади), "Дамас" автомобибли, "ISUZU" автобуси совға қилинди. Отаҳон ва онахонларимиз, ногиронларимиз, улар ҳақиқатдан ҳам давлат ҳимоясида эканликларини янада чуқур ҳис қилиб, тинч-осуда ҳаётимизга шукроналар келтиришмоқда.

— Ўтган йили ажойиб ҳодиса рўй берди, — дейди Дурдонахон. — Фарғона "Саховат" уйдан Нигора Аҳмедова билан бизнинг "Саховат"дан Жамолддин деган йигит бир-бирининг кўнглига йўл топишиб қолди. Тўй бошлаб юбордик! Оқибатда, ибратли оила туғилди...

Қария Шамсутдин Усмонов "Саховат уйи"га 2004 йилда келган. Боянинг ўртал-

"Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" жамоат фонднинг ҳудудий бўлимлари, ҳокимликлар, тадбиркорлар савий-ҳаракати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар кўнгилли ҳордик чиқариши учун пойтахт ҳамда тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳ манзилларга саяхат, турли маърифий мулоқотлар уюштирилаётгани ҳар бир қариянинг ижтимоий фаолиятига бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантига сазовор бўлган мазкур лойиҳа "Фаол турмуш тарзи — соғлиқ ва узоқ умр гарови" деб номланади. Ёши улуг кексаларни соғлом ва фаол турмуш тарзига йўналтириш мақсад қилиб олишган бу лойиҳа келаси йил сентябр ойига қадар давом этади. "Мурувват" раҳбарининг айтишича, унинг тадбирлари аввалги йилларда тажрибадан ўтган шу йўналишдаги ишларнинг янада такомиллашган маънавий давоми бўлиб, асосан, кексаларнинг руҳий тетикиликларини сақлаш, ҳаётга қизиқиши ва фаолиятларини кучайтиришни назарда тутди.

Бунинг учун ҳар икки маҳалланинг кексаларидан жалб қилинган уч-юк кишилик ўн та махсус гуруҳ тузилган. Ҳар бир гуруҳ ой давомида ҳар кун олий маълумотли шифокор ва тренер ҳамроҳлигида эрталабки сайр ва бадантарбия машқларида қатнашади. Кейинчалик улар шундай сайр ва машқларга ўзлари мустақил чиқадиган бўлишади. Бундан ташқари, гуруҳлар учун ҳар ҳафтада шифокорлар томонидан соғлом ва фаол турмуш тарзи мавзусидаги маърифий суҳбат-мулоқот ҳамда бир пиёла чай устидаги куй-қўшиқ ва спорт тадбирлари, маданий ҳордик ташкил этилади. Айни чоғда, кексалар ўртасидаги маҳалла, шаҳар, вилоят ва мамлакат биринчи-

ҳарнинг бошқа маҳаллаларида яшовчи кекса ёшли аёллар ҳам фаол турмуш тарзига қизиқиш, ўзлари учун волейбол беллашувлари ташкил этиш учун "Мурувват"нинг тажрибасини кенгроқ ёйишни сўрашибди. Бундан илҳомланган Саъдулла Курбоназаров "Кексаларни эъзозлаш йили" дастури доирасида шу кунларда яна бир лойиҳани амалга оширишга киришмоқда. Олий Махлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантига сазовор бўлган мазкур лойиҳа "Фаол турмуш тарзи — соғлиқ ва узоқ умр гарови" деб номланади. Ёши улуг кексаларни соғлом ва фаол турмуш тарзига йўналтириш мақсад қилиб олишган бу лойиҳа келаси йил сентябр ойига қадар давом этади. "Мурувват" раҳбарининг айтишича, унинг тадбирлари аввалги йилларда тажрибадан ўтган шу йўналишдаги ишларнинг янада такомиллашган маънавий давоми бўлиб, асосан, кексаларнинг руҳий тетикиликларини сақлаш, ҳаётга қизиқиши ва фаолиятларини кучайтиришни назарда тутди.

Бунинг учун ҳар икки маҳалланинг кексаларидан жалб қилинган уч-юк кишилик ўн та махсус гуруҳ тузилган. Ҳар бир гуруҳ ой давомида ҳар кун олий маълумотли шифокор ва тренер ҳамроҳлигида эрталабки сайр ва бадантарбия машқларида қатнашади. Кейинчалик улар шундай сайр ва машқларга ўзлари мустақил чиқадиган бўлишади. Бундан ташқари, гуруҳлар учун ҳар ҳафтада шифокорлар томонидан соғлом ва фаол турмуш тарзи мавзусидаги маърифий суҳбат-мулоқот ҳамда бир пиёла чай устидаги куй-қўшиқ ва спорт тадбирлари, маданий ҳордик ташкил этилади. Айни чоғда, кексалар ўртасидаги маҳалла, шаҳар, вилоят ва мамлакат биринчи-

нинг янги-янги қирраларини очишлариға имкон яратилса, бундан қимматли бўлмайди, дейсиз. Масалан, кимдир ёшлигида мусаввирлик ёки бирор севган чолғу асбобини ўша-тиб чалиш ёхуд қайсидир ҳунарни эгаллашга қизиққан, бироқ фурсати етмагандиган ниятига етолмаган. Энди эса, орзуини рўёбга чиқариш учун вақти кўп. Фақат улар учун очилган турли марказларнинг қўмағи зарур. Кексалар ўзларини жамиятнинг фаол аъзоси деб ҳис қилишларида бунинг аҳамияти катта.

Бу борада мамлакатимиз ҳудудларида омаллашадиган илғор тажрибаларда ҳам ҳикमत кўп, деб ўйлаймиз. Масалан, кексаларнинг маданий дам олиши, ижтимоий фаолиятини ошириш, уларнинг бой тажрибаларидан ёшларни баҳраманд этиш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими фаоллари жон куйдиришиб, ҳар бир туманда камида бир гектарлик "Кексалар боғи" ташкил этишга қарор қилишибди. Нарпай, Каттакўрғон ва Тойлоқ туманларида аллақачон шундай боғлар ташкил этилиб, кексалар ихтиёрига топширилган.

Демоқчимизки, мустақиллик йилларида юртимизда кексаларни қадрлаш, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, умрига умр қўйиш йўлида қилинаётган савий-ҳаракатлар, асло Японияда бўлганидан кам эмас. Шу йилнинг қўмағида Каттакўрғон туманидаги "Қирғиз" маҳалласи ҳудудидида 7 гектарлик "Кексалар боғи" ташкил этилгани ҳақида ўқиб жуда хурсанд бўлгандик. Туман қишлоқларида яшовчи истаган кекса киши бу ерга келиб, кучи етганча бодирчилик билан шуғулланаркан. Эндиларда боғдан тушган даромад ҳисобига Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан кутубхона ва спорт зали қуриш режалаштирилаётгани ҳам

ИНСОНГА МЕҲР КЕРАК, ЭЪТИБОР КЕРАК

чи 9-синфини тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттиришмоқда.

— Мен сизга айтсам, — деди Дурдона Мўминова, — инсонга меҳр керак, эътибор керак экан! Юртимизда бу бош масалага айланган. Икки нафар собиқ тарбияланувчимиз бағримизда воёга етиб ўз бахтларини топишди — ҳар иккисининг ҳам никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлигининг беғараз ёрдамлари билан оила қурганларга ҳомийлар томонидан керакли уй-жой жиҳозлари совға қилинди.

Инсонга, энг аввало, меҳр керак, эътибор кераклигини Сурхондарё вилоятида ҳам кўрдим ва бунга имон келтирдим.

2010 йилнинг 9-август кунини Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги "Меҳрибонлик уйи" Термиз шаҳрида бунёд этилган кўркам ва замонавий жиҳозлар билан таъминланган муҳташам бинога кўчиб ўтди.

Педагогик жамоанинг асосий мақсади — муассасаси оила, уй шароитига яқинлаштириш, ўзаро муносабатларда ота-она ва фарзанд, опа-сингил ва ака-ука сифатида мулоқот олиб боришлариға эришишдан иборат. Яъни, болалар ўзларини меҳрибонлик уйида эмас, балки ўз уйларида каби ҳис этсинлар. Олдиндан айтиб қўялоайлик: жамоа бу мақсадни амалга ошира олибди.

Асосий мақсадни кенгроқ тушунасак, бу "Меҳрибонлик уйи"га қадам босган ҳар бир боланинг руҳиятини англаб етиш, унинг қайғусига шерик бўлиш, қалбига йўл топиш, ички ҳиссиётини, истак-хоҳишини аниқлаш, унга меҳр кўрсатиш, келажакка ишонч билан қарашга ундаш, бола ўзини эркин тутиши учун имкон қадар шарт-

фар тарбияланувчимизга Термиз шаҳридан тегишли тартибда уй берилди.

Дарвоқе, Андижон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 4 ноябрдаги қарорига асосан, Болалар шаҳарчасининг 4 нафар "фуқароси"га ҳам белгиланган тартибда турар-жой ажратиб берилган экан.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмонан ва маънан соғлом бўлишига хизмат қиладиган тегишли секция ва тўғрақлар ишлаб турибди. Миллий кураш, футбол, теннис, шахмат-шашка, каратэ, турли тренажер майдонлари болаларни ўз бағрига қорлайди.

Харакатлар зое кетаётгани йўқ. Мана бир мисол. 2014 йил 8-9 август кунлари Термиз шаҳар "Сурхон" спорт мажмуасида ўтказилган каратэ бўйича Республика очик чемпионатида "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни эгаллади!

Ўсимлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган "Билал Каратэ" спорт клуби чемпионатида "Меҳрибонлик уйи" вакиллари иштирок этиб, 2та олтин, 2та кумуш, 1та бронза медалларини қўлга киритдилар. Қойил, деб юборасан киши.

"Меҳрибонлик уйи"нинг қизлари "Ораста қизлар" Республикда кўриктановида ҳам фаол қатнашадилар, фахрли ўринларини эгаллаб келади-лар...

Инсонга меҳр керак, эътибор керак. Яна йўлим Андижонга тушди. Мени Андижон "Саховат" кексалар ва ногиронлар учун интернат уйи директори Дурдона Алимова кутиб олди. Андижон тиббиёт институтини битирган, врач экан. Даставвал, институтда дарс берган, кейин ўн йил Андижон вилоят тиббий-меҳнат экспертизаси комиссияси раиси бўлиб ишлаган.

Олти йилдан буён "Саховат" интернат уйи директори ловозимида ишлаб келмоқда. Оилали, уч фарзанднинг онаси.

Дурдонахон ҳам бошқа қаҳрамонларимиз каби фидойи аёл экан! Ўзим бунга гувоҳ бўлдим. — Бизда аҳолининг ижтимоий муҳофазига муҳтож бўлган қатлами вакиллари истиқомат қилишди. Ишга келганимда 110 нафар одам бор эди. Ҳозир 70 нафар аъзо истиқомат қилади, кўпроғи эркаклар, — дейди Д.Алимова. — Интернат уйига мамлакатимизда доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикасининг "Оила" кодекси мувофиқ, уларни парварши қилиш шарт бўлган қариндошлари бўлмаган ёлғиз кексалар ҳамда 18 ёшдан бошлаб I-II гуруҳ ногиронлари қабул қилинади. Бизнинг бор ҳаракатимиз одамларнинг кўнглини олиш, руҳлантириш, эртанги кунга шукроналик билан қараш, ишонч, умид билан яшашга ундашдан иборат.

"Саховат уйи" майдони тўрт гектарни ташкил қилади. У ҳозир расман хушманзара боғга айланган. Отаҳон ва онахонлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам йилдан-йилга яхшиланиб, уларга тиббий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Йилга икки марта диспансеризация ўтказилади, натижага кўра, муносиб шифохонада даволаш ишлари олиб борилади, муҳтожлар протез-ортопедик буюмлар билан таъминланади. Ёзининг иссиқ кунларида эса отаҳон ва онахонларни табиат кўйига — Боғишамол, Қорадарё томонларга саёхатлар уюштирилади.

Режага кўра, йил давомида маданий-маиший тадбирлар ўтказилади. Байрам саналари, туғилган кунлар, кўрик-танловлар, саяхатлар, учрашувлар, театрға бориш, спорт ўйинларида қатнашиш — буларнинг ҳар бири алоҳида байрам! Айниқса, ходимлар

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

сида учрашув ўтказадиган вақтимизда унинг нима-ларидир қоралаб ўтирганига кўзим тушганди. У менга мактубнома ёзган экан. Мана, табаркур қария дил изҳорини сиз ҳам ўқиб кўринг:

"Мен 2004 йилдан буён тақдир тақозосига кўра, Андижон "Саховат" уйида қариллик гаштини суриб келмоқдаман. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган, бизга ўшаш яқна-ёлғиз, ногиронларга ҳукуматимиз ўз эътиборини янада кучайтирди. 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бизга янги иморатлар қурилмоқда. Ҳозирги шароитимиз аъло даражада, ейиш-ичиш етарли, кийим-кечкака эҳтиёжимиз йўқ. Кўпчилик номидан ҳукуматимизга ва бизнинг раҳбарларимизга минг раҳмат.

Қария Ш.Усмонов. 20.08.2015".

"Саховат"да яшаётган яна бир онахон Татьяна Степановна Потемкина дил изҳорини шундай баён қилган: "1926 йилда туғилганман, 14 йилдан бери "Саховат" интернат уйида яшайман. Айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим. Кейинги 5-6 йил ичида бизнинг интернат уйимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Овқатларимиз калорияга бой, кунига 4 марта овқатланамиз. Эрталаб сарёғ, колбаса, сир, сосиска, ишқилиб, хилма-хил таомлар тановул қиламиз. Кийим-кечкаларимиз ҳам дид билан танлананади, ўзимизга ёқади. Даволашлар замонавий даражада. Врач ва ҳамширалар бизга худди ўз ақинларидай меҳр билан қарашади. 2010 йилда чап кўзимни, 2012 йилда ўнг кўзимни муолажа қилишди. Ҳозир яхши кўраман, ҳаётга бокиб завқ оламан. 2014 йилда Тавоқсой санаториясида дам олиб келдим. Ғамхўрлик қилганлари учун ҳукуматимиздан жуда-жуда миннатдорман. Ёшим 90 да. Бундай парварши қилиб қараб туришса, ўйлайман-ки, хали узоқ йиллар умр кўраман... 2015 йил, 20 август".

Мен ҳали очеркчимни давом эттирмоқчайдим, ён дафтарим тўлган, ёзилдиган гаплар кўп... Лекин икки қариянинг самимий сўзларидан сўнг бунга эҳтиёж қолмаганини сездим.

Ха, инсонга меҳр керак, эътибор керак!

Озод Ўзбекистонда инсон азиз ва муътабардир!

ишларга бошлайдиган бир жамоа туз-сак, қандай бўларкан? Бу иштиёқ қатъий қарорга айланиб, 2004 йил мартида "Мурувват" нодавлат-нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилди. Дастлаб қишлоқлар аҳолиси бандлигиға кўмаклашиш, кам таъминланган, меҳр-муруватга муҳтож кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш сингари ишлар кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб, Олий Махлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувват-

лаш жамоат фонди танловларида қатнашиш истаги туғилди.

Қарияларни соғлом ва фаол турмуш тарзига жалб этиш, шу йўналишда турли тадбирлар ўтказишни кўзда тутувчи "Кексақанда қариллик гаштини суриб" деб номланган грант лойиҳаси "Мурувват" мақсад-муддаолариға, айниқса, қўл келди. Шаҳардаги "Нахшаб" ва "Истиклол" маҳаллаларидан уч юздан ортиқ кекса ёшдагилар лойиҳа тадбирларида қатнашиб, ўз соғлиқларини тиклай бошладилар.

— Тадбирларимиз, асосан, 55-75 ёшли кексаларнинг гуруҳларга бўлинган ҳолдаги эрталабки сайридан бошланади, — дейди Саъдулла бобо. — Соат 7 дан 9 гача шифокор ҳамроҳлигида ўтказиладиган сайр ҳаммага маъқул тушиб, кейинчалик одамларнинг ўзлари уни мустақил давом эттирадиган бўлишапти. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари ҳамкорлигида соғлом турмуш тарзи мавзусида суҳбат-мулоқот ҳам олиб борилади. Шундан сўнг бир пиёла чай, қаҳва, енгил тамадди устида, мусиқа садолари остида ўтказиладиган дийдорлашув лаҳзалари кексаларнинг кўлини дилини очиб юбормоқда. Ўз-ўзидан рақс тушиб, соз чалиб, қўшиқ қуйлаганлар, шахмат-шашка беллашувлари қизитганлар ҳам кўп бўлаяпти. Лойиҳа қатнашчилари учун байрам кунлари "Достон" фирмаси ҳомийлигида дастурхон ёзиб, ош ҳам қилиб бердик.

"Мурувват" 2013-2014 йилларда "Соғлом турмуш тарзи — менинг турмуш тарзим" лойиҳасини амалга ошириб, иштирокчилар учун кўпроқ ҳаракатдаги тадбирларға эътибор қаратди. Бунда кекса ёшдаги кишиларнинг эрталабки сайридан ташқари улар орасидан хоҳлаганлар учун катта стадионларда футбол ва мини-футбол, волейбол, шахмат-шашка беллашувлари ташкил қилишға аҳамият берилди. "Насаф"нинг фахрий ўйинчилари ва "Мурувват" иштирокчилари ўртасида бўлиб ўтган футбол мусобақаси эса шахар қўла-мидаги муҳим тадбир сифатида эътироф этилди. Хайрли ишининг қаноти бор, деганларидай шундан сўнг ша-

лигида қатнашиш учун турли спорт ва шахмат-шашка беллашувлари ўтказилди. Машғулотлар шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, болалар боғи, "Нахшаб" стадиони ва "Дельфин" спорт мажмуаларида олиб борилади. Албатта, Наврўз ва Мустақиллик байрамларини санъаткорларнинг қуй-қўшиқларини тинглаб, тўкин дастурхон атрофида биргаликда нишонлашға, фаол иштирокчиларни рағбатлантиришға алоҳида тараддуд қўрилади.

Шаҳардаги ўзига хос фаол байналмилал жамоага айланиб улгурган "Мурувват" гуруҳларида кўп йиллар раҳбарлик ва мураббийлик соҳаларида ишлаб нафақаға чиққан таник-ли қайвониларни ҳам кўриш мумкин. Бу ҳам унинг нуфузини ошириб, саломатлик учун фойдали машғулотларға қатнашувчилар сафи кенгайишиға хизмат қилмоқда. Лойиҳа доирасида "Кексайганда қариллик гаштини суриб" деб номланган буклет чоп этилиб, ҳар бир қатнашчиға тарқатилган. Унда соғлом турмуш тарзига эришишда қўл келадиган ўн маслаҳат лўнда ифода этилган. Яна бир ибрат шундаки, Саъдулла бобо ўз оиласи мисолида ҳам бошқаларға намунандир. Олти нафар фарзандининг тўрттаси футбол билан шуғулланади. Динмухаммад, Камолат, Хусан Курбоназаровлар "Насаф", "Динамо-Насаф", "Локомотив" жамоаларида фаолият олиб боришган.

Саъдулла бобо билан хайрлашар эканмиз, Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури доирасида ҳудудларда кексалар учун мулоқот марказлари тузиш юзасидан ҳам тадбирлар кўзда тутилгани ҳақида айтиб қолди. Бинобарин, маҳаллий ҳокимликлар томонидан бундай марказларни ташкил этишға алоҳида аҳамият берилиши, улар учун махсус жойлар ажратилиши зарур. Кексаларнинг Япониядаги Саку шаҳрида бўлгани каби, ҳаётдан завқ олиш-

диёримизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига" ўттишири олинган билан ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат эмасми?!

Албатта, бутун мамлакатимиз миқёсида намойён бўлаётган бундай савий-ҳаракатлар Қашқадарёда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари уларини таъмирлаб бериш ёхуд ҳовлиларини ободонлаштириш дейсизми; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бошқармалари билан ҳамкорликда айрим ёлғиз қарияларға ҳар ойда тўққиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш йўлга қўйилгани дейсизми; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизор ва мобил телефонлари билан таъмин этилаётгани, улардан муҳтожларға ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, хатто ҳасса ва қўлтиқ-таёқ, реңпет асосида дори-дармон, тиббиёт қутчаси, қон босимини ўлчагич — тонометр каби тиббий воситалар етказиб берилиши дейсизми, хуллас буларнинг ҳаммаси ҳақида эшитгандан, инсон фарзандиға нисбатан бундай ғамхўрлик қайси замонда бўлган, деб ўйламаслигиниз мумкин эмас!

Дарҳақиқат, кексаларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, болалар ва ўсимларда ота-она, кексаларға ҳурмат-эътибор, ғамхўрлик туйғусини тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар аҳамиятини ўзига хос ҳаёт тарзими мезонларида айро ҳолда тасаввур этиш қийин. Бу "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори моҳият-эътибори билан истиқлол замонидан одамларнинг фикр-ўйлари, тафаккурда чуқур илдиэ отаётганидан далолатдир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Тошкент-Қарши-Тошкент

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



ЎЗБЕКЧА ГАПИРДИЛАР

Тошкент давлат шарқшунослик институтида тил байрамига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди. Унда шоирлар, тилшунос олимлар, таржимонлар ва талаба-ёшлар иштирок этишди. Тадбирни институт ректори Абдурахим Маннонов очиб, ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, илм-фан ва адабиёт оламидаги нуфузи ҳақида гапирди.

Ижодкорлардан Фарида Афрўз, Рустам Мусурмон ва бошқалар ўзбек тилининг бойлиги, нутқ ва ёзув маданияти ҳақида сўзладилар, она тили, Ватан ва мустақиллик мавзусида шеърлар ўқидилар. Институтида ўзбек тилини ўрганаётган Жанубий Кореянинг Хашини, Япониянинг Токио чет тиллари университетидаги талабалари соф ўзбек тилида ўзларининг орзу-ниятлари ва қизиқишлари ҳақида гапирдилар, ўзбек шоирларининг шеърларидан ёд ўқишиб, қўшиқлар қуйладилар. Бу эса тадбирға алоҳида феъл бағишлади.

Назира ТОШОВА, Олмазор туманидаги 111-ўрта мактабнинг ўқитувчиси

Тадбир

Хол Муҳаммад ҲАСАН



ФАХРИЯ

Бир диёр бор жаннатмакон,
Теграсида тоғлар посбон,
Осуда, тинч мовий осмон,
Ҳавоси бол, суви дармон,
Боғу бўстон, гулларга кон —
Оромижон Ўзбекистон.

Қоялари туман тўсган,
Дарёлари қирни кесган,
Тошларида майса ўсган,
Абринайсон — шамол эсган,
Минглаб чинор, арча ўрмон,
Анбарашон, Ўзбекистон.

Боқ, туғига, тугросига,
Юлдуз, ҳилол, ҳумосига.
Маъдани мўл саҳросига,

Олмос, кумуш, нукросига,
Осиёда зартегирмон —
Инжу, маржон Ўзбекистон.

Ганжина қум, тупроқлари,
Шакар тугар янтоқлари,
Ипак тўқир япроқлари,
Қора уйдаи қалпоқлари,
Кўксин очиб кутар меҳмон —
Танги мезбон Ўзбекистон.

Қуёш кетмас елкасидан,
Орзуи оқ пахтасидан,
Хотири жам эртасидан,
Эли ориф ёпшасига,
Экиб бир дон — уяр хирмон
Фасли мезон Ўзбекистон.

Жайхун жилов билмас тулпор,
Дийдасида мих захри бор
Орол Барчин каби бедор,
«Қур-е-қур-е, ҳайт, Бойчибор»
Оппоқ ўтов марра — нишон
Яшил майдон Ўзбекистон.

Алп мунажжим — бий Майданак,
Сочи сумбул қиз — Сангардак,
Чанқовузин чалар мардак,
Ақчақўлдан учган ўрдак,
Қанот қоқар манзил томон
Тинмай ҳамон, Ўзбекистон.

БОЙЧИБОРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Хуш тавозе водийлари,
Сўлим соҳил сой бўйлари,
Хуш оғдирар шўх куйлари,
Тўйга уланмиш тўйлари,
Қамчиқ доvon, ёри чилтон —
Шоҳимардон, Ўзбекистон.

Кўҳна айвон Афросиёб,
Очил дастурхондир гўё,
Бахмалга ширмойин ўраб,
Сафар қилса Сайхун тараф,
Сочқи сочар бой Зарафшон
Тахти равон Ўзбекистон.

Соҳибқирон пири бунда,
Вали Ахрор, Шоҳи Зинда,
Авлиёлар бари шунда,
Суҳравардий — Мири Жанда,
Баҳоуддин Балогардон
Дилда иймон, Ўзбекистон.

Чимён, Чотқол, Чортоқлари,
Тийншоннинг урпоқлари,
Ҳисор, Бойсун этаклари,
Боботоннинг эртақлари,
Кухи Қоғи сирли кўрган —
Катта карвон, Ўзбекистон.

Чўққилари буюк чунон,
Сор лочинга ин, ошён,
Полатони чекмас зиён.
Юрт улуси омон-омон,
Сук назарга совут қалқон —
Дорул замон, Ўзбекистон.

Йўлларида мангу маёқ,
Боболари ёққан чироқ,
Илму урфон қайнар булоқ,
Бани башар олган сабоқ,
Билар буни жумлан жаҳон,
Донғи дoston, Ўзбекистон.

Ҳақ сўзни айт шоир эсанг,
Ҳақи кетар беҳишт десанг,
Ич, муқаддас туғта қасам:
Хур яшагин бир ашасанг,
Ўзингники давру замон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

КЕЛИНОЙ

Келинойим — тўлиной,
Кеча сутдай сўлим-ай.
Оразини орзулаб
Тунлар кечиб келдим-ай.

Келинойим — тўлиной,
Сира ўнмас йўлим-ай.
Оёқларим қабарди —
Йўлда юлдуз қалин-ай.

Келинойим — тўлиной,
Ойдинда тин олдим-ай.
Булут бетин беркитди —
Ора йўлда қолдим-ай.

Келинойим — тўлиной,
Тўлай қанча қалин-ай.
Камига ол жонини,
Яратганга ялинай.

Келинойим — тўлиной,
Бошимдадир қўлим-ай.
Тонг оттириб кун солар —
Дунё бунча золим-ай.

Келинойим — тўлиной,
Куйди гулим сўлимай.
Ишқи йўққа интилиб,
Бўларимча бўлдим-ай.

Тўлинойим — Келиной.

ОЛМА ОТИБ

Сўридаги парини
Олма отиб уйғотдим.
У тушини йўқотди-ей,
Мен хушимни йўқотдим.
Соҳлар сочилиб тушди —
Қирдан қора қор кўчди.
У ёқасин яширди-ай,
Мен олмага бош урдим...
Сўри силкиниб кетди,
Кўзларим тиниб кетди.
Ёр юзи ёниб кетди-я —
Ёр юзи ёниб кетди.
Олмани олмади-ям,
Бир назар солмади-ям.
Мен қўлини ушладим-а,
У тилини тишладим.

Ҳ.ҲАСАНОВ 1957 йилда туғилган. 1983 йили ЎзМУнинг ҳуқуқшунослик факултетини битирган. "Оҳува", "Қадимий қўшиқ", "Ул кун устоз дедилар...", "Сулвлардан сулвасан" шеърӣй тўпламлари чоп этилган. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Катта йўл ёқасидаги ёлғиз тут дарахти узокдан кўзга яққол ташланади. Бу кенг адирда бошқа биронта ҳам дарахт йўқ. Турли-туман дарахтлари шовуллаб турган тоғ этагидаги қишлоқча эса икки чакричча масофа бор. Шаҳарга отланганлар автобуста чиқиш учун тўғри шу тутнинг ёнига келаверишади. Чунки автобуслар ўнқир-чўнқир йўл бўлгани учун қишлоқча бормаиди. Аслида бу ерга ҳеч қандай бекат қурилмаган, асфалт йўлдан ўтиб-қайтувчи автобуслар ёки киракаш машиналар шу ерни ўзларича бекат ҳисоблаб, тўхтаб ўтади. Мана бу яккаю ягона кекса дарахт бекатнинг белгиси бўлиб қолган.

Якка тутнинг тагини юмшатиб, атрофидаги шох-шаббаларни териб юрган Ҳожиқул сартарош шу томонга жадаллаб юриб келаятган Хидир оқсоқол билан уста Нейматни кўриб, безовталанди. Ҳозир яна бир нарса деб турткилайди-да, бу оқсоқоли тушагур, деб кўнглидан ўтказди. Бекатдаги автобус жўнашга чоғланаётган, ҳайдовчи шу иккала чолни узокдан кўриб, тўхтаб турган эди.

Ўзини тутнинг панасига олаётган сартарошни кўриб, Хидир оқсоқол автобус эшиги олдида таққа тўхтади.

— Эй, Ҳожи, нима бало, кечаси билан шу ерда ухляпсанми? — деди оқсоқол афти буришиб. — Қачон қарасам, шу тутнинг тагида соялайсан. Нима уйингда соя йўқми? Бу тут азалдан бир ўзи яшаган, бундан кейин ҳам ўзи яшайверади, унга шерик керак эмас. Тоқ тутга жуфт бўлиб бу ерда ўтираверма, тур, уйингда бор.

— Бечора дарахт кундан-кун куриб бора-япти. Мана, қаранг, танаси ғовак бўлиб кетибди, ичи бўм-бўш. Шу, остини юмшатиб, сув куйиб қўй деб эдим-да, — деди Ҳожиқул сартарош хижолат бўлиб.

— Қари тутнинг кунли келиб-келиб сенга қолдими? Ўзинг парваршига муҳтож бўлиб мункиллаб турибсан-ку. Сув куйиш керак бўлса, ана, ёш-яланглар кўп. Шаҳарга бориб келай, айтаман, ўшалар куйишади. Сен айтгани қил, уйингда бор.

Автобус одамлар билан лиқ тўла эди. Ҳаммалари Хидир оқсоқолнинг феълини билишганидан лом-мим демасдан унинг автобустга чиқишини сабр билан кутиб туришди. Кейин автобустга чиқар-чиқмас, иккала чолга ёшроқ кишилар жой бўшатиб қўйишди. Анча йўлгача гапнинг мавзуси Ҳожиқул сартарошнинг устида айланди.

— Неча марта айтдим унга: "Ҳой, Ҳожи, одамлар тинмай Ҳожиқул якка тутдан бери келмай қўйди, дейишяпти. Уйингда тинчгина ўтир", дедим, — деди Хидир оқсоқол. — Лекин гап қор қилмади. Айлиниб-айлиниб ана шу тутнинг соясига келиб ўтиргани-ўтирган.

— Битта ўзига қийин-да, жўра, — деди Неймат бува. — Бекор уришдинг уни. Ўзи ҳеч кимга озор бермайдиган, ювш одам. Авваллари бир гапириб ўн куладиган хушчақчақ эди. Соч олдингани сартарошонасига кирсанг, кўнглинг айраб қарди. Икки ўғли, сўнг кампирдан айрилганидан кейин ҳам дардини юзидан сездирмаган эди. Энди кексайганидан кейин билиниб қолди. Бошига тушган савдолар уни эгиб қўйди. Биттаю битта ўғли бўлса, шаҳарда қолиб кетди. Бир йилда бир келиб хабар олай ҳам демайди. Бечора Ҳожи нима ҳам қилсин?

— Ҳа, биламан, ёлғизлик уни эсанкратиби қўйган. Шунинг учун ҳам уйига сиймай тенти-раб, турли хил юмушлар билан ўзини овутиб юради. Ўша кенжаси, оти нима эди, Маҳкамни, жуда ноқобил бола экан-да ўши. Ҳеч менга дуч келмапти-да. Қўлимга тушса, бир хумордан қичқунча таъзирини берардим, — деди оқсоқол ҳали ҳам бақувват муштини тугиб. — Айтганча, ҳой, Неймат, менга қара, шу ишни бугун қилайлик. Ўша болани топиб мен бир гаплайиш қўй.

— Шаҳарнинг қайси бурчагидан топасан

уни? Қаерда яшашини, қаерда ишлашини билмасак.

— Тўғри Мансурнинг олдига борамиз. Мансур уни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб беради. Ўзи айтган эди, мамчиларда кўриб тураман, деб.

— Яхшимурод кутиб қолмайдими? — Яхшимурод сабр қилиб туради. Ишни энг муҳимидан бошласак, Худо хоҳласа ҳаммасига улгурамиз.

Шаҳарнинг қурилишлар бўлаётган майдони ҳокимият биносидан унча узокда эмас эди. Мансур ҳоким ўринбосарининг қутилмаганда чакриб қолганидан ҳайрон бўлиб, машинани ҳам кутиб ўтирмасдан, қоғозлар солинган семиз папкани қўлтиқлаганча чолиб кетди. У ҳокимият биносига яқинлашганда, айнаи шу ердан чиқиб, қоп-қора тусли машинага суяниб турган Хидир оқсоқолни ўртоғи-ёлқасидан туртиб, Маҳкам келаётган томонга ишора қилди:

— Хидир, ана, Ҳожикининг ўғли ўз оёғи билан биз томонга келаяпти.

Хидир оқсоқол ўша томонга ўтирилди-ю бўйнига йўл-йўл галстук тақиб олган Маҳкамни кўриб, хушёр тортиди.

— Эй, Ҳожикининг боласи, — деди оқсоқол баланд овозда, — бу ёққа кел.

Маҳкам қутилмаганда чакнаган чакмоқдек янграган бу чакриқдан бир сакраб тушди. Аввалига ўзини чакраётган чолга ҳайрон бўлиб бироз қараб турди. Кейин тусмоллаб танигач, у томонга тез-тез юриб бориб, саломлашди.

— Сен Ҳожиқулнинг ўғлисан-а? — деди оқсоқол.

— Ҳа, Маҳкамман, Хидир бува, — дея Маҳкам таажжубланаётганини яшириш учун ясама илжайди.

— Маҳкам бўлсанг, қулоқ сол. Мени биласан-а, ўша ҳар доимги Хидирман. Илгари бригадир бўлган бўлсам, ҳозир маҳалла оқсоқолиман. Отангни унутиб юбординг чоғи? Ҳалиям тириклигини биласаними ўзи?

Маҳкам биламан, дегандек хижолат бўлиб бошини қимирлатди.

— Билсанг, нега бориб кўрмайсан? Ҳар кун якка тутнинг тагида ўтириб олиб, йўл қарайди, кенжатоғин невараларини етаклаб келиб қолармикан, деб. Кенжатоғи бўлса, бу ёқда қоғоз қўлтиқлаб юрибди, отаси парво-йиғам келгани йўқ. Қишлоққа бормай қўйганингга неча кун эмас, неча йил бўлди? Суф, сенга-е. Ҳожи бечора тетиклигида-ку, ўзи келиб сени кўриб кетаётган эди. Энди нима қилсин? Эшитганмиз, Ҳожикининг ўғли катта қурилишлар қилаётган эмиш, деб. Иморат қураётган, деб юрибсан-да, а? Энг катта иморат отанг эмасми? Қулаб қолай деб турибди-ку бечора. Кимга суянишини билмайди. Ўтган баҳорда ҳожикининг кўча томондаги деворини нам тортиб қулаб тушган эди. Яхшиям маҳалла бор экан. Ёш-яланглр ҳашар қилиб тиклаб беришди.

— Отамга кўп маротаба айтдим, ота, сиз ҳам кўчиб келинг, бирга яшаймиз, дедим, кўнмади-да, — деди Маҳкам, айбдор фақат мен-манми, дегандек.

— Ол-а, энди бир ками Ҳожи шўрлик сени деб ота маконидан бадарга бўлиши қолибмиди. Сен отамакон нималигини биласаними ўзи? Эй, сенга бу савол ортиқча. Менинг ўртанча ўғлим Мансурни биласан-а? Мана шу идорада ҳокимнинг муовини бўлиб ишлайди. Ҳозир, мана, Неймат билан шаҳарга келган эдик, жўрамиз Яхшимурод чакриган. Баҳонада Мансурниям бир кўриб кетайлик, деб қириб чиқдик. Ўзи ҳар ҳафта канда қўлмай қиш-

лоққа бориб туради. Қани, у ҳам сенга ўхшаб қишлоқдан оёғини узиб кўрсин-чи, ота уйини, одам бўлиб дунёга келган дарғохини унутсин-чи, нима қилар эканман. Ҳокимлигига қараб ўтирмайман. Мана шу ерга олиб чиқиб, ҳамманинг кўз олдига таъзирини бераман. Сениям қулоқ-чаканга боплаб шапалоқ туширишга айнаи гайратим келиб турибди-ю, афсус, отанг эмасман-да.

Маҳкам худди ҳозир бу чапани чол ростдан ҳам унинг юзига тарсаки тортиб юборадигандай, кўрқа-писа бир қадам орқага тисарилди. Оқсоқолнинг феълини у болагидан яхши билади — адолат учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган одам. Ҳов, бир замонлар ўзбекнинг бошига иш тушиб, раҳбарман деган каттаю кичик тўхмат ботқоғига ботиб, тўқайдаги хўлу қуруқ аралаш ёнган пайтларда бу одам ҳўжалиқда бригадир бўлиб ишлаганини, бу ҳам ўша тўхматга йўлиққанлар қаторида хибса олинган, лекин москвалик терговчиларнинг қийин-қистовларига бўйсунмай, уларнинг юзларига тик қараб: "Сенлар шундоқ ҳам меҳнатда эзилган одамларга бўҳтон қиляпсанлар. Сенларнинг бундай разиликларинга кўнадиган аҳмоқ йўқ. Ундан кўра, ана, халқнинг ўртасига олиб чиқиб ос-

Бир бошга бир ўлим. Ҳақиқат учун дорга осилиб ўлиш ҳам эркак учун бир шараф", дея гапиргани бошқа маҳбусларнинг ҳам руҳига далда бўлганини одамлар ханузгача гапириб юришади. Бу чўртқесар чолнинг гайрати ҳамон ўша-ўша. Ҳозир ҳам қаддини гош тутиб, гапини баралла гапиради. Ҳеч кимга муте эмас.

Ҳатто ҳоким ири бўлган ҳам фойдаланмайди. Аксинча, уни ҳам, тўғри ишла, тўғри юр, деб уришиб, йўлга солиб туради. Шунинг учун Маҳкам ҳам оқсоқолнинг гапларини бошини ҳам қилиб жимгина эшитди. Ичидида шайтон ғалаён қилиб, отам ёлғиз қолган бўлса, сизга нима, дейишни ҳам ўғлади-ю, аммо шу тобда юзига шапалоқ тортиб юборишдан ҳам тоймайдиган бу чапани чолга бир нима деб бўладими? Икки кун аввал ўша ҳоким ўринбосари Мансур Хидирович катта мажлисда Маҳкамни ярим соат турғизиб қўйиб, қурилишдаги чала қолган ишлар учун роса саваллаган эди. Ўғлига гап топиб беролмаган одам, шартакиликда ундан ҳам ўтиб тушадиган отасига бирон нарса дея олармиди.

— Эй, бола, кўзингни каттароқ оч, — деб яна дўқлади Хидир оқсоқол. — Мана бу соқол сенга ўхшаганларнинг кўпини кўравериб оқарган, тушунарлими? Ҳожи бечора умр бўйи сартарошлик қилиб, одамларнинг сочини силанган-у, сенинг бошингни силамаганими? Нима, ўзинг катта бўлиб қолдингми? Одамнинг давлати бори эмас, инсофи бори яхши экан. Менга қара, ишонсанг қаерда? Йўқ, шошма, сен ким бўпсанки, мен сенинг ишонсангни ахтариб юрсам. Яхшиси, бундай қиласан, кечкурун соат олтида бола-чақангни олиб қишлоққа кетадиган автобуснинг бекатига бориб турасан. Мен сенларни бирга олиб кетаман. Бугун Яхшимурод жўрамизнинг туғилган кунини, қапеда ўтириш қилиб берапти. Унчага бизлар ўша ерда бўламиз. Уқдингми?

— Уқдим, Хидир бува, уқдим, — дея Маҳкам қўлини кўксига қўйганча қора машинанинг ортидан қараб қолди.

Чолнинг танбехларидан аввалига Маҳкамнинг жаҳли чиқиб, тишини тишига босиб турган кунли халли хўроз ҳам қичқира-қичқирмас, азонлаб туриб, ҳовлида, очик ҳавода бироз айлиниб юради. Кейин ҳеч кимни безовта қилмай, эшикни аста очиб, кўчага чиқади. Гоҳ гира-шира қоронғиликда, гоҳ ойнинг ёруғида йўл юриб, яқка тутнинг олдида боради. Иккала ўғлини армияга ана шу ердан кузатиб қолган. Энди улар кетган йўлга кўз тикиб, қари тутга суянаганча узок-узокларга қарайди. Яна тонг ёришмасидан уйига қайтиб, эшикдан эҳтиёткорлик билан ичкарига киради. Бу пайтда хотини аллақачон сирини соғиб бўлиб, сутни қайнатиш учун ўчоқ атрофида қўйналаниб юрган бўлади. Ҳожиқул сир бой бермаслик учун йўталиб: "Кечаси оёғим увишадиган одат чиқарди. Кўчага чиқиб оз-моз юрсам ёзиларимкан, деб эдим", дея қўлларини тўлади. Хотини эса гўё ҳеч нарсани пайкамагандек, индамай қўя қолади. Лекин у худди "момолар билан гаплашадиган" фолбиллардек ҳаммасини билади. Ҳожиқул эркак киши бўлатуриб уйку нималигини унутган-у, аёлининг кўзига уйку келармиди. У ўзини ухлаганга солиб ётса ҳам, эрининг мижжа қокмаётганини қачон туриб, не ҳасратда қаерларга бориб келаётганини бутун вужуди билан сезиб ётади. Аммо унинг дардида ўт ёқмаслик учун ўзини билмагандек тутади. Икковининг ҳам ичидида эгизакдек бир ранг, бир шакл, бир афт-ангордаги хавотир тиг қайраб турганини билган қўйи эрига қўшилишиб ўғилларини кутади. Лекин замоннинг зайлими ёки тақдирнинг бешафқатлиги, аввал Афғондаги ўғил, орадан ярим йилча ўтиб иккинчиси ҳам харбийдан тобутда қайтди. Эр-хотин бир кунда бирга қариди. Ҳожиқул чол, хотини эса кампир бўлди. Қўша дардини кўш елка қўйнала-қўйнала, эзил-эзила биргаллашиб кўтарди.

Чолу кампир энди кенжатоғини еру қўкка ишонмай қўйишди. Кампирини: "Ҳой, отаси, болаларни армияга олмайдиغان жой қаерда бор, ўша ёқларга кетайлик", деб жаврайдиган бўлди. Ҳожиқул бўлса: "Ундай жой ҳеч қаерда бўлмас керак. Лекин ташвишланма, Маҳкам-жонимизни қаердаги армияга олиб кетишса ҳам, икковимиз у билан бирга борамиз", деб кампирини ушлатишарди.

У пайтда Маҳкам мактабда ўқиб юрган бола

эди. Мактаб беш чакирим наридаги қишлоқда эди. Ҳожиқул кенжатоғини эрталаб болаларга қўшиб мактабга жўнатарди-ю, лекин



мактабдан қайтадиган пайтда, болалардан ажралиб қолмадимикан, дея хавотирлиниб, албатта ўзи бориб олиб келарди. Ёмгиру қорлар ёққан пайтларда юришга қийналишарди. Бир йили киш қаттиқ келиб, уст-устига қалин қор ёғди. Эрталаб ўйнаб-ўйнаб ёғаётган қор кейин табига олиб, то дарслар тугагунча тизза бўйи бўлди. Устига-устак бўрон қутуриб, кўз очирмай қўйди. Ҳожиқул қор кечиб, бир амаллаб мактабга етиб олди. Қайтишда Маҳкам-

нинг қалин қорда юришга қийналаётганини кўриб, уни елкасига опичлатиб кўтариб олди. Бўрон беш чакирим йўлни минг чакирим қилди. Қоронги тушиб, бўроннинг шашти пасайганда уйга етиб келишди. Шундан сўнг Ҳожиқул бир неча кун касал бўлиб ётиб қолди. Ҳол сўрагани ҳар кун одамлар келишарди. Кимдир дори олиб келган, кимдир дармон бўлади, деб олма, анор кўтариб келган. Баҳонада кун бўйи ҳаммалари чакчақлашиб, кўнгли ёзиб кетишарди. Ҳожиқулнинг касалини дорилар эмас, ана шу оромикон суҳбатлар тузатди. Қишлоқ одамлари ўзларининг хушфеъл сартарошнинг яхши кўрарди.

Маҳкам акаларидек норғул йигит бўлиб улғайганида оиланинг бошига бахт қуши қўнди — озодлиқ кўёши чарақлади. Замон ўзгариб, йигитларнинг жонига чанг соладиган армиялар ўтмишда қолди. Энди йигитлар харбий хизматни ўзимизнинг ақин атрофдаги шаҳарларимизда ўташар экан, деган гапни эшитган чолу кампирнинг юракларидидагиди асрий хавотир орта баҳордаги тумандай тарқаб кетди. Бундан кейинги яхши кунларни кўриш кампирга насиб этмади. Шу кунгача кўтариб келган ичидаги дардлар энди уни тарк этаётди, биратўла унинг жонини ҳам олакети. У омонатини топширди. "Отаси, Маҳкамжонимни сизга ташлаб кетаяман. Уни авайланг, қийналмасин болам шўрлик", деган гап кампирнинг охириги васияти бўлди. Қўлдан-қўл армонларга шохид бўлган бу ғариб ҳовлида ота-ўғил бир-бирига юпанч бўлиб қолишди.

Маҳкам ўқийшга киргач, Ҳожиқул сартарош ёлғизлиқни йўл юриб енгди. Чол эринмасдан шаҳарга зир-зир каттарди. Ҳар гап борганида Маҳкамнинг ётоқхонасини картошка-пиёздан тортиб, ёнгоғу дўланагача тўлди-рарди. Маҳкамнинг отасини ётоқхона ҳовлисида кўришлари билан кўрсод талабаларнинг жони кирарди. "Жудаям отангнинг эркатойисан-да; Маҳкам. Отанг сени кўрган хар ҳафта тўлиб-тошиб келиб кетади. Бунақаси хали институт тарихида бўлмаган бўлса керак", дейишарди улар Маҳкамга ҳасад қилиб. Маҳкам эса отасининг сержант-новлигидан баъзан хижолат бўлиб: "Ота, кўп овора бўлаверманг, яшашим яхши, ҳамма нарсга етарли. Бирон этишмовчилик бўлиб қолса, ўзим олдингизга бориб келаман", дерди. "Йўқ, ўғлим, ташвиш торта, менга ҳеч оғир бўлаётгани йўқ. Сен хали ёшсан, шаҳар билан қишлоқнинг ўртасида қатнай-версанг, толиқиб қоласан. Бу юришлар менга бир эрмак-да", деб Ҳожиқул сартарош барибир келишини қанда қилмади. Хатто Маҳкам ўқийши тамомлаб, ишга кирганидан кейин ҳам, уйланиб, ишончаси берган уйда хотини билан яшай бошлаганида ҳам сартарошнинг кунлари йўлда ўтди.

Давоми олтинчи саҳифада.

Газетамизнинг ўтган сонларида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2015 йил, 41-42-сонлар) эълон қилинган адабий танқиднинг бутунги аҳволи муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ва унда айtilган фикр-мулоҳазаларга билдирилган муносабат адабий жамоатчиликда, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Биз тахририятга келадиган бундай мақолалар, акс-садоларни ёритиб бораёмиз. Ушбу сонда адабиётшунос И. Ёқубов ҳозирги адабий жараёнда танқиднинг ўрни, истиқлол йилларида бу соҳада бўй кўрсатган ўзгаришлар ҳақида фикр юритиб, давра суҳбатида танқидчилик ҳақида айtilган айрим мутахассисларнинг мулоҳазалари билан баҳс-лашадим, мунаққиднинг савияси, маҳорати масалалари ҳусусидаги қарашларини баён этади.

Адабий танқид бугунги кунда бадий таҳлилнинг социологик, структур, тийғий-тарихий, қийсий-типологик шакллари билан бир қаторда, жаҳон адабиётшунослиги илмий мактаб ва йўналишлари: гипотетик, психоаналитик, мифологик, онтологик, экзистенциалистик, герменевтик, постструктурал ва бошқа талай жиҳатлари ҳам миллий асосда ўзлаштирмоқда. Дунёвий илгор мезонлар, услубий йўналишларнинг ўзлаштирилиши таҳлил усуллари бойиб бораётгани, янгича эстетик тафаккур тарзи шаклланаётганини кўрсатади.

Аслида, янгича тафаккур тарзи ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида юзага кела бошлади. Ўша йиллардаёқ адабий танқиднинг асосий тадқиқот объеклари, мавзу йўналишлари, тадқиқ ва таҳлил мезонлари, тамойиллари муайянлашди. Республикамиз мустақилликка эришган бу жараён изчил тус олди. Унинг ижтимоий-тарихий, фалсафий, илмий-назарий, бадий-эстетик, мафкуравий-психологик асослари моҳият жиҳатидан тубдан янгиланди. Натижада, устувор концепция: тушуниш, билиш ва англашга интилиш бўлиб қолди.

Поэтик матни бадий-эстетик ҳодиса сифатида инсон концепцияси нуктаи назаридан ўрганиш ёндашув ҳусусияти ва талқин рағ-баранглигини таъминламоқда. Бироқ, бизнинг назаримизда, талқин муаммосини нуқул Фарб эстетикасига боғлайвериш дуруст эмас. Чунки бадий матн моҳиятини муносиб тарзда тушуниш-тушултириш, маънони англаш-шарҳлаш, гипотеза ва таққослаш, ҳукм ва хулосалар чиқариш усуллари Шарқ мумтоз адабиёти, ҳусусан, миллий тафаккуримиз учун янгилик эмас. Мумтоз адилбаримиз муайян асарни шарҳлаш асосида унинг муаллифи мақсад-муддосларига руҳий яқин бўлиш (тушуниш психологияси)ни муҳим деб билишган. Улар матн бадий мантиқини теран ҳис этибгина қолмай, уни маданий аънава ва реал воқеалик, ўз тажриба ва кўникмалари билан қийс-лашган. Муайян асар моҳиятини нафақат сўз ҳамда унинг маъноси жиҳатидан ўрганиш ва қийс-лаш ёқратилиш, балки яхлит ҳолда қамраш ҳадисини олишган. Бадий матн маъно қатламлари орқали нафақат жамият, балки борлиқни англаш тизимини яратишган. Бинобарин, интерпретация ва идентификация усуллари бизда мавжуд эди.

Демак, бадий асарни тушунишнинг замонавий герменевтик тарзи ўша қадимий асосларни тафсилли ёндашув, тал-

қин усуллари, матннинг тарихий-ижтимоий шароитдаги ўрни ва вазифаси жиҳатидан нисбатан кенгайтирди. Илло, бениҳоя қўламли шарқона фалсафий система қайта бунёд этилгани йўқ. Аксинча, у ўзини янгиллади. Бизнинг илмий билишимиз методологик плюрализм босқичига қадам қўйди.

Бизнингча, ҳозирги адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган асарларни бугунги кун нуктаи назаридан таҳлил ва талқин этишга, баҳолашга уринаётган замонадош мунаққидларимиз амалий фаолиятида кузатилаётган айрим нуқсонларни, бирор му-

қид маҳорати қоронғуликка отилган тош қаби тумтароқ ғалларга эмас, аниқ адресатга қаратилган мантиқий фикр-қарашларга асосланиши лозим.

Истиқлол даври танқидчилиги XX аср адабиётини турли ҳуружлардан дадил ҳимоя қилиб, унга бўлган эҳтиромли муносабатни шакллантирди. Санъатнинг ижтимоий-маърифий родини кўрсатишга эришди. Яқин ўтмишга оид асарларга ёндашув тамойиллари, таҳлил асосида чиқарилган хулосалар бугунги адабиётимиз равақига хизмат қилди. Демак, улар ўз мансублигига кўра адабий танқид намуналаридир. Тўғри, танқид

вур қилиш лозим. Биз адабий танқид умумий жараёндан илгарилиб кетди, деган даъводан мулҳоқ йироқмиз. Зотан, бугун адабиёт ва санъатнинг тараққиёт йўлларини олдидан тайёрлаб бериш имкондан ташқаридаги юмуш. Эҳтимол, Арасту ёки В.Белинский ҳаёт бўлганда ҳам бунинг уddасидан чиқа олмаган бўлишарди. Бироқ шоир, ёзувчи, драматург тафаккуридаги тозаришлар ҳам миллий адабий-эстетик тафаккур янгилинишлари экани назарда тутилса, адабий танқид яратган ва яратилган улкан заминсиз адабиёт ва санъатнинг бугунги тараққиёти юзага келиши мумкинмиди?!

Биз танқидчилик аҳволи ҳақида сўзлар эканмиз, миллий адабиётнинг умуммаърифат даражаси ҳусусида сўзлаётганимизни унуттишга ҳақли эмасмиз. Адабий танқид босиб ўтган фойда-огир ва мураккаб, айна пайтда, барака-ли ҳамда изланишларга бой йўлни ҳаққоний баҳолашга бурҷдормиз. Адабий жараёнда кечаётган турфа ўзгаришлар моҳияти, дид ва нафосат тарбиясидаги қадр-қимматни аниқлаш, далиллаш ҳамда кенг аудиторияга етказиш имконини беради. Сўз санъати ички қонуниятлари, баҳс-лашши маърифати, ҳаққоний умумлашма хулосалар чиқариш маданияти ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Бинобарин, ҳолис миллатпарварликка таянган умуммаърифат мезонлар бизни алоҳида асардан унинг бунёдқори услубига, концептуаллидан адабий жараёнинг етакчи тамойилларига, ундан давримизнинг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий ҳамда ижтимоий-сийсий муаммолари талқинига етаклайди.

Адабий жараён ўз маҳоратини тинимсиз ошириб, инсон образига бўлган баҳомезонларни тақомиллаштириб борадиган санъаткорлар — ижодий индивидлар мажмуи. Санъаткорлик ҳар доим аънаваларни ривожлантириш, эстетик дидни камол топтириш билан белгиланган. Танқид санъатнинг ўз-ўзини англаш шакли. Демак, ижтимоий ҳаёт билан бир қаторда давр, халқ ва миллат эстетик тафаккури умумий ҳамда ички ривожланиш қонуниятлари, ижодкор дунёқарашмо маҳорати, китобхон эстетик талаб-эҳтиёллари яхлитлига қушатилиши керак.

Кейинги йилларда “Навоий” романини қандай ёздим” (Ойбек), “Китоб шавқ билан ўқилиши керак” (А.Қаҳҳор), “Ойбеги менинг” (З.Самидносирова), “Чорак аср ҳамнафас” (Қ.Қаҳҳорова), “Тундалиқлар” (А.Мухтор), “Йўқотанларим ва топанларим” (С.Аҳмад), “Ойбек ва Зарифа” (Н.Каримов) сингари қалам аҳли ижод лабораториясига олиб кирувчи битиклар нисбатан ҳам яратилляпти. Устоз сўз санъаткорлари маҳорат мактаби ва эътирофларига эҳтиёж эса катта.

Исломжон ЁҚУБОВ,
Тошкент давлат педагогика
университети доценти, филология
фанлари номзоди

Жаҳон адибнинг адабиёт ҳақида

КАВАБАТА ОЛАМИ

Бадий олами жаҳоний миқёс касб этган ижодкорлар сафида япон классиги Ясунари Кавабатанинг ҳам ўрни бор. У дунё адабиётини “Минг қанотли турна”, “Қорли ўлка”, “Кўҳна пойтахт”, “Тоғ нолаеси” сингари бетакрор романлари, туркум ҳикоялари ва қиссалари билан бойитди. Кавабата япон ёзувчилари орасида биринчи бўлиб “япон тафаккури моҳиятини кўрсатиб бера олган ёзувчилик маҳорат учун” Нобел мукофотида сазовор бўлган.

Куйида атоқли адибнинг адабиёт, гўзаллик ва ҳаёт ҳақидаги қарашлари билан танишасиз.

Бойликларга интимай, шон-шўхратга ҳам ишонмай, муҳаббатни ҳаётимнинг энг катта таянчи деб билдим. Бирор куним йўқки, муҳаббатдан сармат бўлмасам, унинг қайноқ тафтидан исинмасам... Аммо бу бир аёлнинг қўлини тутганиндаги муҳаббат эмас. Ҳа, мен ғамгин ва ўз-ўзимча бахтли одамман.

Нобел мукофотини мен бир ўзимники деб ҳисобламайман. Балки японларда яшаётган, қадим ажодлардан бизга ўтган гўзаллик руҳининг самараси, деб биламан. Япония қанчалик замонавийлашмасин, англоамасин бу ўлмас руҳ унинг юзи бўлиб қолаверади. Мен “Япония гўзаллиги” дея аталадиган миллий маданият руҳи олдида доимо қарздорман.

Замонавий Фарб адабиёти билан қизиқиб, баъзан унинг намуналарига тақлид қилишга ҳам уриндим, бироқ Шарқ одами сифатида ҳеч қачон ўз йўлимни кўздан қочирмадим.

“Гуллар — баҳорда/ Какку — ёзда/ Кузда — ой/ Тоза ва совуқ қор — Қишда”. Бу шеърда оддий образлар, оддий сўзлар шундоқ кетма-кет келади ва улар Япониянинг сирли моҳиятини англатади. ...Эҳтимол, Догэннинг бу кичик шеъри европаликка жўн, ўта содда, ҳатто йил вақтларининг шунчаки сийқа образлари йигиндисидек кўринар, бироқ улар мени ҳарилриги, теранлиги ва туйғунинг қайноқ нафаси билан лол қолдиради.

Нилуфар гулини тасвирлайдиган шоир ўзида икки қалбни бирлаштирмоғи лозим — бундай гулни биринчи бор кўриб турган бола қалбини ва нилуфар ҳақида ҳамма нарсаси маълум бўлган Тангри қалбини.

Уруш пайти, чирокнинг хира ёруғида ҳам мен “Гэндзи моногари” (“Гэндзи ҳақида қиссалар”)ни ўқигани давом этардим... Ҳатто душманлар бомбасидан қултепага айланган қўчалардан юриб кетаятган трамвайда ҳам шу китобни ўқирдим. Бу асарда тасвирланган дунё атрофида рўй бераётган воқеаларга нақадар бегоналигидан таажубланардим ва айна пайтда қалбим минг йил бурун яратилган бу романига беҳад уйғунлигидан ҳайратга тушардим... Бу менинг давр руҳига қарши исёмин эди.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, уруш йилларида бегона жойларда жанг қилаётган япон аскарларидан тез-тез хат олардим... Тасодиф тўфайли қўларига тушиб қолган менинг китобларим уларда буюк бир ватан соғинчини уйғотган экан. Улар хатларида менга миннатдорлигини баён қилишарди. Афтидан, асарларим уларни туғилган ери — Япония ҳақида ўйлашга мажбур қилган кўринади. Бироқ менинг ўзимда ватанга илк бор меҳр уйғотган мумтоз меросимиз — “Гэндзи моногари” эди.

Умрим бўйи гўзалликка интилиб, уни излаб яшадим ва бу изланишларимни ўлғунимча давом эттираман.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Юртимизда фарзандларимиз учун яратилаётган катта-катта имкониятлар, қулай шарт-шароитлар биз — болалар адбларига бошқача қувонч бағишлашга тавийий ҳол. Айниқса, қўламини кенглигини, остдевори пухталигини жаҳондаги қўлбал нуфузли таҳлилчилар ёзтироқ этиб келаятган ишларимиз — маориф, маданият, спорт, тиббиёт каби соҳаларда эришаётган муваффақиятларимиз, биринчи ғалда, энг авлоднинг ҳар ёклама етук қилиб ўлғайтиришга қаратилгани кўнгилларга чароғонлик бахш этмасдан қолмайди...

Бироқ дунё бепойён, Ер кезгичида биздан бўлак миллатлар, бизникидан бошқа мамлакатлар саноксиз. Гоҳ газетани арақ-лайсан, гоҳ телеэкранга тикилсан, қайлардадир содир бўлаётган муҳдиш воқеаларни кўриб-билганинг сари таъбинг хира тортиб бораверади, ўзгаларнинг қулфати беихтиёр сенинг ҳам ич-ичингни тирнай кетади. Сув тошқини, зилзила, ўрмонлар ёнғини, хавфли юкумли касалликлар тарқалиши, қўроқчилик сингари офатлари, балки Худонинг бир синовиға йўйиш мумкиндир, лекин олиғ онг эгаси бўлмиш одамозт турли баҳоналар билан мижоро чиқариб, бир-бирининг бошига киргин солишдан ҳануз тийилмаётганини кузатганинда, ўртангандан ўртаниб кетасан киши.

Мамлакатлараро қиқшмовчиликларни қўйиб турайлик, ҳатто қадим-қадимдан битта дин ёрда яшаб келаятган оғанилар бир-бириниға ўқ отишга қарай етиши сира ақлга сиймайдиган иш. Бунинг натижасида ўз минг эмас, юз минг эмас, миллионлаб кишилар ўз юртини ташлаб қочмоқда, йўлда бири касалга чалиниб, бири,

сувға қўқиб, бири, ҳатто очликдан вафот этмоқда, номсиз қабрларга қўмиб ташланмоқда, тирик қолганлар дам у давлатнинг, дам бу давлатнинг чегарасида тирбандланиб, кечагина ортан овқатни қаерга тўқушни билмай юрганлар бугун бировнинг бир тишлам ёгулик узатишига зор бўлиб турибди.

Энг ачинарлиси, энг изтироблиси — қочоқларнинг катта қисмини болалар тақшил этганилиги. Уларнинг орасида буниси фарзандингга, униси неварангга ўқшаб кетадиганлари кўриниб қолади, ўқраб юборишдан ўзингни зўрға тиясан. Бундай пайтда уларнинг ота-оналарига қараб, ўзларингга ҳам айб бор,

Бунинг учун фарзандларимизнинг чуқур билим олишини, жисмонан пишиқ улғайишини ўйлашдан ташқари, дунёда ўз бераётган ҳодисалардан изчил хабардор қилиб, бир миллат гуриқаб қад ростлаётган маҳалда бошқаси нега қулфатлар, хандағига қулаётганининг туб моҳиятини уларнинг онгига тинимсиз қўйиб бораверишимиз шарт.

Болалар дунёсида оиладаги ва мактабдаги тарбиянинг ўзи етарли эмас, уларни қуршаб турган муҳитнинг нечоғли мунасаф эканлиги, пайти келса, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яхши тарбияни йўлга қўйиш билан бирга муҳитни мунтазам

масъуллик ҳиссини мустаҳкамлаб бормоғимиз биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунда улар ётларнинг шилдироқи кийимларига гурурсизларча ҳавас қилишни, нодирдан нодир мақомларимиз ўрнига рокки-попчиларни мўлғайиб тинглашни, ҳеч қачон “Тановар”нинг бир жарангчаси ўрнини босолмайдиган ғатти-ғутти мусикаларга қилпиллашни, Амир Темуру макбарасидан неча асрлар кейин қурилган хорижий меъморчилик иншоотига анқайиб қарашни, фақат миллат дарди билан яшаш Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий, Чўлпонларимизнинг тирноғигаям арзимовчи айрим “ёзғирлар”нинг қуруқ

масъуллик ҳиссини мустаҳкамлаб бормоғимиз биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шунда улар ётларнинг шилдироқи кийимларига гурурсизларча ҳавас қилишни, нодирдан нодир мақомларимиз ўрнига рокки-попчиларни мўлғайиб тинглашни, ҳеч қачон “Тановар”нинг бир жарангчаси ўрнини босолмайдиган ғатти-ғутти мусикаларга қилпиллашни, Амир Темуру макбарасидан неча асрлар кейин қурилган хорижий меъморчилик иншоотига анқайиб қарашни, фақат миллат дарди билан яшаш Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий, Чўлпонларимизнинг тирноғигаям арзимовчи айрим “ёзғирлар”нинг қуруқ

шов-шувлар, энгил-елпи ўлдим-қуйдимлар, хашаки йиғи-сийгалардан иборат асарсимон нарсаларига ёпишиб олишни ўзларига асло эп қўрмаган бўлишарди. Шунда, юрти ва халқига ҳиёнат қилувчи, яқинда телеэкранда намойиш этилганидек, ўзи ишлаб турган музейдаги тарихий буюмларни, қадимий қўлёзмаларни, ноёб суратларни чет элликларга яширинча пулловчи манкуртлар орамизда олазаракланиб юрмасди.

Ёш авлод тарбияси стратегик аҳамиятга молик масала. Бунда бегоналардан кераклисизни олиб, ўз аъналаримизга, ўз тажрибаларимизга кўпроқ таянишимиз керак бўлади. Четдаги баъзи “мутафаккир”ларнинг “ёшларни ўз ҳолига қўйиш”, “ҳоҳишларини бўғмаслик”, “эрқини чекламаслик” қабилидаги қаққирларини қатъий йўл-йўриқ деб қабул қилмоқ ҳатодир. Ўзбекистон иқтисодда ўз моделига суяниб

юксалаётган экан, маънавиятининг тўғри шакллантиришда ҳам ўзимизга мос йўлдан бора-верганимиз маъқул. Ҳар қайси оила фарзанд тарбиясида ўз бобо-момоларидан ўрганган усулни қўллаганидек, ҳар бир юрт ёш авлоди ўз аждодларига муносиб қилиб воёга етказишга уринса, бунинг нимаси ёмон?

Бу жабҳада янада кўзга кўринарли натижаларга эришмоқчи таъминлашда ноширлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг олдида ҳам катта вазифалар турибди. Бола тарбиясида китобларнинг, газета-журналларнинг, интернетнинг, айниқса, ҳар бир хонадонга кириб

шувларга сабаб бўлаётган қўшиқчилик, ҳусусан, болалар қўшиқчилиги устида сал кенг-роқ тўхталайлик. Эеро, тез оммалашувда, хотираға чуқур ўрнашувда, қалбларга завқ ва кўтаринчилик бағишловда, мақсад сари йўналтириш олувда, болада она тилига нисбатан меҳр товлантирувда қўшиқча тенг келадигани кам. Шу боис, мусиқа билим масканларини қўпайтиришга, ҳатто умумтаълим мактабларида ҳам бу ишни юқори босқичга кўтаришга республикамизда алоҳида эътибор қаратиляпти, оқибатда қатор ютуқларга эришилиб, халқаро танловлар совриндорлари сони йил сайин қўпайиб бормоқда.

Радио ва телевидениеда баъзан шу таомилга амал қилмаслик ҳолларига дуч келинмоқда. Бола у ёки бу дастурда шеър айтадими, қўшиқ қўлайдими, унинг муаллифи тилга олиниши, ҳеч бўлмаси, титрда кўрсатилиши шарт. Йўқса, бўлмаси, олири ёки ҳаваскор ота-оналари ўзи тўқиб боласига ўргатган шеърлар экранларда тўлиб кетиши ҳеч гапмас. Қўшиқ ўргатишга оид кўрсатувларда ҳам шуни назардан қочирмаган яхши. Бунда “Булбулча” дастасининг синовалидан ўтган тажрибасидан фойдаланиш ўринлидир. Унда болаларга янги қўшиқ ўргатиляпти, бастакор ва шеър муаллифи, албатта, тилга олинарди. Битта янги қўшиқ ўргатиладиган сўнг, ҳажжойларга севибли бўлиб кетган “Салимжоннинг товуғи”, “Дикон-дикон типиратикон”, “Қўйлагим”, “Тулпор”, “Аканг ҳўроз, даканг ҳўроз”, “Гилдирагим, гилдирак” янглиғ эски қўшиқлардан ҳам уч-тўрттаси ижро этиларди. Шу аънава қайта тикланса, айнаи мудоао бўлар эди...

Фарзандларимизнинг эртаси бундан-да шавқли, бундан-да мазмунли, бундан-да ёркинроқ кечиси борасида бафурроқ фикрлашаётган эканмиз, бу, энг аввало, тинчликнинг шарофатидан. Юрт нотинч бўлса, боласининг бошини омон асраш ота-она учун ягона ташвишга айланади, бошқа нарсалар аҳамиятини буткул йўқотгандек туюлади.

Дарсликлар сингари, тинчликни ҳам фарзандимизнинг сумкасига қўйиб, ҳар куни елкасига илиб қўймоққа интилиб яшайлик. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳар дақиқа сергак туриб курашмоғимиз талаб этилади. Худо кўрсатмасин-у, буни уддалолмасак, болаларимизнинг олдида нима деган одам бўлмасми?

ҲАДИКСИЗ ҲАЁТ — ТОТЛИ ҲАЁТ

улурган радио ва телевидениенинг ўрни беқуёқ.

Телеканалларнинг сони қўпайгани, кўрсатувларнинг хилма-хиллиги, сифати ошиб бораётгани кишини қувонтиради. “Болажон” кичиктойларнинг энг севибли телеканалига айланиб қолди. “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Маҳалла”, “Тошкент” сингари телеканалларда ҳам болалар учун бири биридан қизикarli дастурлар тақшил этилган. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз ҳам йўқ эмас. Энг аввало, юртимизнинг манзаралари, унинг ўқшаши йўқ гўзалликларини, ҳар бир ғибҳи, ҳар бир қуш-ҳайвони, қадимий обидалари, халқимизнинг фсоновий ва тарихий қаҳрамонлари, машхур адилбаримиз асарларининг ибратли томонлари ҳақида туркум кўрсатувларни бундан-да қўпайтиришнинг вақти келди.

Кейинги пайтда турли тарти-

Бироқ буларни оммага тўлақонлироқ тарзда намойиш этишга негадир шошимаёппмиз. Масалан, мусиқа мактаблари фаолияти ҳақида жойларга бориб мақолалар уюштириш, телекўрсатувлар тайёрлаш ҳануз кўнгилдагидек эмас.

Мусиқа мактабларида болаларнинг фольклор қўшиқларини ўрганиш, тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилишини истардим. Миллий созларда, миллий оҳангларда ижро этилувчи қўшиқлар болаларга аталган телекўрсатув дастурлари орасида тез-тез янграб турмоғи, булардан энг саралари болалар мабтуотида ноталари билан босиб чиқарилмоғи фарзандларимизга қайси мамлакатда яшаётганини тиниқроқ англатиб боравериши билан ўта муҳимдир.

Китобларда, газета-журналларда, умумжаҳон қондаларига риоя қилинган тарзда, асарнинг муаллифи аниқ кўрсатилади.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Катта театрнинг салобатли устунлари оралаб фойега кириб борарканман, бинонинг маҳобатли ташки қиёфасини томоша қилиш жараёнида уйғонган ҳаяжон ўрнини ҳайрат ҳисси эгаллайди. Бир қарашда театрнинг ички қиёфасида ҳеч нарса ўзгармагандек, барчаси аввалги кўринишда сақлангандек туюлади. Аслида бу қурувчи ва меъморлар маҳоратидан дарак. Сукунатга чўмган кириш залининг шифтида осиглиқ маҳобатли қандиллардан тортиб, деворий суратлар, нафис нақшлар, хуллас, барча ашёлар муҳлис-

хатто арзимаган ўзгартириш киритишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Ушбу ижод намуналарининг барчаси миллий санъатимизнинг юксак намуналари ҳисобланади. Шу боис реставрация жараёнида асосий эътибор уларнинг асл кўринишини сақлаб қолишга, зарар етган қисмларини аввалги кўринишда тиклашга қаратилди.

Театр залларини безашда нафис нақшлар билан уйғунликда рангтасвир асарларидан ҳам кенг фойдаланилган. Машҳур ўзбек мусаввирлари яратган асарларни реставрация қилиш жараёнида алоҳида ижодкорлар жамоаси қатнашганини эшитиб, қизиқишим орти. Беихти-

ди. Аммо бу ҳаммаси эмас. Театрнинг юраги саналган сахнадаги ўзгаришлар кўлами шу қадар улканки, бир неча йиллик танаффусдан сўнг унга илк бор қадам қўйган ижодкорлар ўзларини бутунлай бошқа сахнага тушиб қолгандек ҳис қилсалар, ажаб эмас. Катта театр сахнаси хориждан келтирилган замонавий технологиялар асосида бутунлай янгидан жиҳозланди. Саҳна майдони тўлиқ янгилади, Буюк Британиянинг "Denkriser" компаниясида ишлаб чиқарилган олти юзга яқин ёритиш ускуналари ўрнатилди. Ушбу чироқлар аввалгиларидан кўра ёрқин нур таратиши, кенг визуал имкониятларга эга бўли-

ча равишда мустаҳкамланиб, ташқи кўриниши билан бир қаторда, ички тузилмаси ҳам бутунлай замонавий кўринишга келтирилди. Грим хоналарини бирин-кетин айланиб чиқарканмиз, опера ва балет актёрларининг эҳтиёжига қараб ҳар бир хона махсус кўринишда жиҳозланганига гувоҳ бўламиз. Бош муҳандиснинг айтишича, илгари спектакллар учун декорация, либослар, бутафория элементлари ҳамда яна бошқа зарурий нарсалар тайёрланадиган ижодий цехлар бинонинг маиший қисмида жойлашганлиги ва бу жаҳоннинг етакчи театрларида ривоқ қилинадиган техника хавфсизлиги талабларига му-

Кўйла, ёшлигим!



Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўн олти ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган ижодкорлар ўртасида "Кўйла, ёшлигим!" телевизион танлови ўтказилди. Мазкур танлов Ёшлар маданият ва санъат маркази давлат унитар корхонаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Танлов шартига кўра, дастлаб ҳудудий босқичларда 1500 дан зиёд истеъдод эгалари ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Улардан тўқсон тўрт нафар ёш ижод-

корга танловнинг якуний босқичида қатнашиш насиб этди. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, республика босқичидан муваффақиятли ўтган ўн беш нафар энг кучли овоз соҳиблари "Кўйла, ёшлигим!" эстрада-вокал телетанловининг финалига йўлланмани кўлга киритдилар. Мурасасиз беллашувда биринчи ўрин тошкентлик Ёрқинхўжа Умаровга насиб этди. Иккинчи ўринга эса тошкентлик Карина Газиевца, учинчи ўринга Тошкент вилоятидан Ирода Дашкинова муносиб

топилди. Танловнинг олий саройи — Гран-при қорақалпоғистонлик Султон Оразимбетовга берилди.

Куни кеча Ёшлар ижод саройида таниқли санъаткорлар, "Нихол" мукофоти совриндорлари иштирокида телетанлов голибларини тақдирлашга бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди. Концертада Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Азим Муллахонов, Тоир Қўзиёев, бастакор Шўҳрат Зокиров, "ЭлДидо" гуруҳи ва таниқли эстрада хонандалари иштирок этди.

— Бу каби тадбирлар ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очди, — деди ҳайъат аъзоси Мансур Тошматов. — Охирги босқичда ўн беш нафар ёшлар куйлаган қўшиқлар томошабинларни мафтун этди. Улар орасидан голибларни саралаш биров қийин кечди.

Ҳамма ёшлар бир-биридан талантили. Ишончим комилки, лауреат бўлмаганлар ҳам мохир санъаткор бўлиб етишади. Шу ёшларга келажакда нафақат юртимизда, балки халқаро танловларда ҳам иштирок этишни тилаб қоламиз.

Дилфәрўз КОДИРОВА

Танлов

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК САҲНАСИ

ларга муштокдек жиполанади.

Ёруғ рангларга бурканган кириш залининг марказида театрнинг бош муҳандиси Қобилжон Собиржонов билан учрашаман. Ўзоқ йиллардан буён шу даргоҳда фаолият юритиб келаётган тажрибали мутахассиснинг Марказий ҳамда Жанубий Шарқий Осиё минтақасида "катта театр" мақомига эга ягона санъат даргоҳининг тарихи, меъморий хусусиятлари борасида кенг маълумоти бора. Собиржон аканинг ҳикоя қилишича, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида театр қурилиши учун эълон қилинган танловда Алексей Шусев лойиҳаси танлангани бежиз эмас. Таниқли меъмор Шарқ санъати ҳақида қуқур билимга эга бўлиш билан бирга, Самарқандда ўтказилган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этган, миллий санъатимиз билан яқиндан таниш эди. Айнан шу қимматли тажриба А.Шусевни театр қиёфасини яратишда амалий санъат намуналарига алоҳида эътибор қаратишга, бино дизайнига маҳаллий архитектурага хос руҳиятни сингдиришга ундагани, шубҳасиз. Реконструкция жараёнида асосий эътибор ана шу миллий қиёфани асл кўринишда сақлаб қолишга қаратилди.

Қобилжон ака ҳамроҳлигида Уста Ширин Муродов, Абдулла Болтаев сингари ўз даврининг етук усталари томонидан безатилган машҳур залларни кўздан кечиришимиз. Тошкент, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Термиз ҳудудларига хос ганч ўймакорлиги намуналари нигоҳингизни сехрлайди, гўзал шакллар симфонияси тасаввурингизга илҳом бағишлайди. Анъанавий ашёлар билан бир қаторда тошга, кўзгуга ишланган ноёб ижод намуналарининг ҳар бири нафис шаклга, бетакрор жилога эга. Уларни таъмирлаш ишига етакчилик қилган "Ижод" фирмаси раҳбари Турсунбой Абдужалилов уста хунармандларга хос камтарлик билан шундай дейди:

— Қўриб турганингиздек, барча амалий санъат намуналари юксак маҳоратга эга усталар, машҳур устозларимиз томонидан яратилган, улар ҳеч қандай ўзгарилишга ёки янгиликка эҳтиёж сезмайди. Очиғини айтганда, қарийб етмиш йил бурун, бугунгидек замонавий ускуналарга эга бўлмай туриб, энг содда меҳнат қуролилари ёрдамида бундай мукамал ганч ўймакорлиги намуналарини яратилгани ҳайратланарли. Юқорида таъкидлаганимдек, безакларга,



туб моҳияти келажак билан уйғунлигини ҳис этасиз.

Янгидан жиҳозланган кичик томоша сахнаси, анжуманлар зали, музей, хорижлик санъаткорлар учун махсус репетиция хоналари билан танишиб чиқарканман, кўз олдимда Катта театрнинг замонавий қиёфаси тобора аниқ намоён бўлади. Барча хоналарга Франциянинг "Seat Ventilation" компаниясининг замонавий ҳаво алмаштириш тизими ўрнатилган. Реконструкция ишларининг кўламини янада тўлиқ ҳис этиш мақсадида томоша залининг учинчи қаватига кўтариламиз. Мухлислар жойлашадиган асосий залнинг салобатли, мухташам қиёфаси кўзни қамаштиради. Бу ердаги ўймакорлик намуналарини таъмирлаш вақтида ҳам ҳеч қандай ўзгарилиш киритилмабди. Аксинча, уларга янада ёрқин жило бағишлаш мақсадида зарҳал билан зеб берилди. Ўймакорлик ва ишлари томоша залининг шифтидан тортиб энг куйи қисмига қадар бажарилганини ҳисобга олсак, зийнатлаш жараёни нақадар мураккаб кечгани аён бўлади.

Театрни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Томоша залига Испаниянинг "JOSPER" компаниясида ишлаб чиқарилган махсус замонавий курсилар ўрнатилгани муҳлислар учун катта қулайлик ярат-

барча жиҳозлар компютер томонидан мустақил бошқарилади. Замонавий техник мосламани ҳайрат билан томоша қилаётганимни сезган сахна орти ишчиларидан бири "Келажакда театр режиссёрларининг ўрнини мана шундай ақлли компютерлар эгалласа, ажабмас", деди. Назаримда, бу сўзларда жон бор. Тўғри, юксак технологиялар ижодкор ўрнини босолмайди, аммо сахна санъатининг имкониятларини кенгайтириши аниқ. Дарвоқе, сахнанинг оркестр ўраси, деб аталувчи қисми ҳам янгидан жиҳозланибди. Эндиликда концертлар, турли ижодий чиқишлар вақтида уни юқорида қўтариш, сахна майдонини янада кенгайтириш мумкин.

Саҳна билан танишиш жараёнида олинган таассурот ховури босилишга улгурмай, "Мухбир ука, театримизнинг бу қисми билан ҳам, албатта, танишишингиз керак", деганча Қобилжон ака мени ортидан эргаштиради. Бир зумда бинонинг маиший қисмига, яъни ижодий жамоа фаолиятига мўлжалланган, муҳлислар назаридан пинҳон театрнинг ўзига хос ички оламига кириб борамиз. Ижодий жамоа учун зарур бўлган тайёргарлик хоналари, репетиция заллари айнан шу ерда жойлашган. Реконструкция жараёнида бинонинг ушбу қисми асос пойдевори қўшим-

вофиқ эмасди. Шуни ҳисобга олиб, ижодий цехлар жойлашган хоналар янгидан жиҳозланиб, театр труппаси ихтиёрига топширилди.

— Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ижодий жамоамизнинг ҳар бир аъзосида, айниқса, кекса авлод ижодкорларида гурур, ифтихор уйғотмоқда. — дейди Қобилжон ака. — Биласизми, шўро даврида театримиз биноси бор-йўғи бир маротаба капитал таъмирдан чиқарилган, холос. Бунга ҳам қирқ йилдан ошди. Шу ҳақда ўйларкансиз, Катта театрга қаратилаётган бугунги эътибор нақадар муҳимлигини теран англайсиз. Театримиз биноси асл қиёфасини тиклаш баробарида, жаҳондаги энг замонавий ижод майдонларидан қолишмайдиган даражада жиҳозланди. Буларнинг бари ижодий жамоани янги изланишларга, юксак санъат чўққиларини забт этишга чорлаши, шубҳасиз.

Театр санъатига алоҳида меҳр қўйишга улгурган жонкуяр муҳандиснинг сўзларидан чиндан ҳам жон борлигини англайман. Бир неча йиллик танаффусдан сўнг гўзал санъат даргоҳи яна ўз эшикларини муҳлислар учун кенг очиб, ҳар бир кунни театр ижодкорлари ҳам орзиқиб кутаётган аниқ. Тарих ва келажак сахнасига айланган ижод майдонидан тез орада янги опера ва балет спектакллари, концерт дастурларининг намойиши бошланади. Катта театр мезбонлик қилувчи халқаро фестивал ва танловлар, йирик анжуманлар салмоғи янада ортishi, шубҳасиз.

Гўзал санъат қошонасига уюштирилган қизиқарли саёҳатдан сўнг аста юриб театр рўпарасидаги фусункор фавворага яқинлашарканман, амалга ошган яратувчанлик манзараларидан нигоҳимни узолмайман. Куз кўёшида янада зарринлашган театр қиёфаси ўзига хос жилоланади. Фаввора атрофи хорижлик меҳмонлар, ёшлар, айниқса, болалар билан гавжум. Мунчоққиз кичкинтойлар маҳобатли санъат даргоҳини катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилишди, ота-оналарини саволга туттишди. Шу манзарани кузатганим сари Катта театр келажакимиз эгалари қалбидан катта санъатга муҳаббат уйғотишига ишончим ортади.

Азиз ИМОМОВ

ҚЎШИҚ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Бугун бошқа санъат турларига қараганда, эстрада санъати ёшлар орасида кенг оммалашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу жараён, шубҳасиз, ҳар бир хонанда зиммасига масъулият юклайди. Чунки қўшиқ биз учун азалдан тарбия воситаси, эстетик дид ва маданият мезони бўлиб келган. Шундай экан, яратилаётган қўшиқлар матни бадий-ғоявий мукамал, мусиқаси миллий асосга монанд бўлиши керак. Бу борада шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Миллий матбуот марказида шу мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида ана шу уқлик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бирлашма бош директори вазифасини бажарувчи, Муроджон Махмудов шу ҳақда сўзлади. Жумладан, мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида кўплаб ижодкор шоир ва бастакорлар ҳамкорлигида қирқдан зиёд қўшиқ яратилди. Ёш шоирларимизнинг Она юртга меҳр-муҳаббат ва садоқат, осойишта кунларга шукроналик туйғуларни акс этган қўшиқ-боп шеърлари Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда "Ягонасан, Ватан!" тўпламига жамланди. Ушбу тўплам Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳоимлигида Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Шунингдек, бирлашма томонидан матни саёз бўлган 25 қўшиқ телеканаллар эфирларидан олиб ташланди.

Бирок ҳамон соҳада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар, долзарб вазифалар мавжуд. Эфирда, тўй-томошаларда, тадбирларда матни турли тиллардан олинган сўзлардан иборат пала-партиш тизмалар, оҳанглари чет эл мусиқаларидан ўзлаштирилган саёз "қўшиқлар" янграб турибди. Матбуот анжуманини бошқариб борган Ўзбекистон халқ шоири, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси Иқбол Мирзо айтгандек, "Бундай "қўшиқ"лар кимга хизмат қилаяпти?"

Юртимизда барча соҳаларда истеъдодлар учун кенг имкониятлар эшиги очик. Жумладан, эстрада санъати вакиллари учун ҳам. Ҳукуматимиз томонидан ёш истеъдодлар унвонлар, мукофотлар билан тақдирланаяпти, кўплаб фестиваллар, кўрик-танловлар уларнинг имкониятларини очишга хизмат қилаяпти. Афсуски, айрим номдор хонандалар орасида ҳам матн ва оҳангга берарво бўлаётганлар учраб турибди. Улардан бири "Шак, шак, мана ликир-ликир, хо ўйна-ўйна", деса, бошқаси "Улар ҳам сериал кўрган,

ҳамма сериал кўрган", бошқа бирови "Сакраменто" деб жар солса, санъат остонасига энди қадам қўяётган ёшлардан нимани кутамиз?!

Тадбирга сўзга чиққан таниқли бастакор Рустам Абдуллаев шундай деди: "Мусиқа инсоннинг дилига тез кириб бориб, уни тез ўзгартиради. Шунинг учун ота-боболаримиз гўзал мусиқалар ёзганлар. Гўзал мусиқа бор жойда тинчлик, меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳукм суради". Таниқли санъаткорлар Темур Махмудов, Азим Муллахонов, ёш ижодкор Фозил Фарход ва бошқалар ҳам бугунги эстрада санъатининг ютуқ ва камчиликларини хусусидаги фикрлари билан ўртқоқлашди. Жумладан, "Ёшлик" журналы бош муҳаррири, шоир Нодир Жонузоқ камчиликларга тўхталар экан, матн, клип ва тўйлардаги қўшиқлар ҳамда сахна маданиятига алоҳида тўхталди: "Санъаткор сахнага чиққандан кейин халқ вакилига айланади, халқ номидан қўйлайди. Шунинг учун халқ унга ўз баҳосини беришга, тартибга чақиршига ҳақли".

Шунингдек, тадбирда хонандаларнинг малакасини ошириш, тренинглар ўтказиш масаласи ҳам ўртага ташланди. Бундан ташқари, саёз қўшиқларни эфирга чиқариб юбораётган ТВ ва радио ходимларининг савияси қандайлигини билиш, овоз ёзиш студиялари фаолиятини марказлаштириш, тўй ва тўйхоналар эгалари билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигини жиддий йўлга қўйиш, саёз матнлар ижрочилари билан очик мулоқотлар ташкил этиш, санъат укув юртларида ёшларимизга миллий мусиқа ва мумтоз шеърят сабоқларини йўлга қўйиш, концерт заллари ва тадбирларда жонли ижрога ўтиш каби масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Хонандаларнинг қўшиқларига "оқ йўл" берадиган ягона Бадий кенгаш тузиш зарурийлиги алоҳида таъкидланди.

Отабек БАКИРОВ

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

ЧЕХИЯ ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси орган залида чехиялик моҳир созандалардан ташкил топган "Pozdní sber" квинтетининг концерт дастури намойиш қилинди.

Ўз миллий қадриятларини замонавий мусиқа оҳанглари билан уйғунлаштириб ижод қилаётган жамоа тингловчилар эътиборига Моравис, Словакия, Венгрия, Польша халқ мусиқаси ва қўшиқларидан намуналар ҳавола этди. Концертада Жозеф Шопек (скрипка), Павел Митас (скрипка), Станислав Мач (симбал), Пётр Гашек (виола), Иво Кунс (контрабас) сингари созандалар чех халқ мусиқасининг бетакрор жилосини ифода этишга муваффақ бўлишди. Айниқса, Жозеф Шопекнинг скрипкада чалган куйлари тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

Хонанда, мусикашунос ва этнолог Игор Даниел бир неча чолғу асбобларини, жумладан, Словакия халқ чолғу асбобларини юксак маҳорат билан чалиб томошабинларга заъқ уллади. Унинг жозибали миллий рақси ҳам муҳлисларга манзур бўлди. Концерт дастуридан сўнг ансамбл аъзолари консерватория талабалари билан Чехия мусиқа маданияти ҳақида суҳбатлашдилар.

Жамила ХҲЖАЕВА,
консерватория талабаси

“САКРАМЕНТО”НИ ТИНГЛАБ

“ЙИҒЛАМЕНТО”

ёхуд дидсизлик ҳам эви билан-да!

Хонанда Муниса Ризаева "Секин-аста", "Афсона", "Голливуд", "Дема-дема", "Дайди", "Ёрим" қўшиқлари орқали ёшлар ўртасида анча танилиб қолган. Ай-

мазмун бўлади. Салкам тўрт дақиқа давом этадиган "тарона"нинг икки ярим дақиқасида фақат нақаротдаги мисралар тақдор айтилаверади.

Эскузо эскузо эскузо
"Wentme, wentme uno momento,
Монте Карлога билет "оленто",
"Sakramento" excusez-moi,
Viva la vida la vie.

Мона Лизали суратлар ила,
Намунали одатлар ила.
Ўта машхурусиз, аммо
Юраги тош бунчали?

Логика логикали
Физика физикали
Мусиқа мусикали
Viva la vida la vie. (2 марта)

Пойинтар-сойинтар

ниқса, унинг "Ота-она" деб аталувчи қўшиғи кўпчиликка манзур. Аммо хонанданинг "Сакраменто" қўшиғини эшитганлар лолу ҳайрон қолишмоқда. Ўзбек тили билан хорижий тилдаги сўзлар аралаштириб айтилган ушбу қўшиқни қанча ҳаркат қилсангиз ҳам тушунишингиз қийин. Қўшиқ матни(шеър деб бўлмади)да бирор тайинли маъно-мазмун йўқ. Ҳазил қўшиқ деб ўйлангангиз, ҳазил қўшиқда ҳам

Sakramento, estaidmo
Viva la vida la vie.
Sakramento.

Бўлди, бўлди "Йиғламенто"
Бузилмасин "косметико".
Кўз ёшларим томчилатма,
Логика логикали.

Яна визама, виза юрибман,
Европани кезиб юрибман.
Сиз тўхтаган меҳмонхоналар
Баланд бунчали.

Логика логикали
Физика физикали
Мусиқа мусикали
Viva la vida la vie. (2-март)

Sakramento, estaidmo
Viva la vida la vie.
Sakramento.

Логика логикали
Физика физикали
Мусиқа мусикали
Viva la vida la vie. (4-март)

Испанча "Сакраменто" сўзи ўзбекчада "мўъжиза" деган маънони англатар экан. Интернет сайтларида "матн" муаллифи Элдор Қасимовдан бу сўзни қайси маънода қўллагани ҳақида сўралганида "сакраманг" деган маънода ишлатилганини айтиб, "Viva la vida la vie" эса кўп қўшиқларда фойдаланиладиган ёрдамчи сўзлар, дея изох берган.

Авалло, "мўъжиза" сўзи билан "сакраманг" сўзи ўртасида қандай боғлиқлик борлигини билолмадик. Қолаверса, чет тилида айтиладиган қўшиқлардаги ёрдамчи сўзларнинг ўзбек тилига нима алоқаси бор? Умуман, аралаш-қуралаш тилда ёзилган, ҳатто ўзбекча сатрларидан ҳам бир маъно уқиб бўлмайдиган бундай "қўшиқ"ларни эфирга узатишдан мақсад нима? Дидсизлик ҳам эви билан-да!

М.ИСЛОМОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Охири белидан қувват, оёқларидан мадор кетиб, бир-икки марта автобуста тоби қочиб қолган, у ҳам қариликни тан олди. Энди ёнида биров суяниқ бўлмаса, шаҳарга етиб бироқмаслигини англади. Лекин ўзи билан бирга қариб, нураб бораётган уйда хотиржам ётолмайди. Бир челақ сув билан белкуракни оладию якка тутнинг ёнига бориб, кечгача унга суяниб ўтирганча адирларни қоқ иккига бўлиб кетган узундан узоқ йўлга тикилади. Биронта одамнинг қораси кўринди дегунча, инқиллаб ўрнидан туради-да, гўё тутни парвариш қилаётгандек, гимисиб қолади. Унинг бу аҳволини ҳар ким ўзича тушуниб, гапириб юришди. Фақат қанча иссиғу совуқни, ёмғиру қорларни, бўрону тўзонларни кўриб келаётган мана бу дарахтга ўзига дардқаш топилигидан, ёлғизлик балосидан қутулганидан хурсанд бўлса керак. Чунки ёлғизлик азобини у ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Қачонлардир бу ер қаттагина тутзор бўлган. Кейинчалик вақт ҳукми ва одамларнинг шафқатсизлиги боисидан дарахтларнинг умри бирин-кетин поёнига етди. Ёлғиз мана шу дарахтгина балолардан омон қолди. Аммо у кейинроқ билдики, уни бошқа бир бало — ёлғизлик қутиб турган экан. Ҳов узокдаги бошқа дарахтлар ёнига боради, деса асло иложи йўқ; ерга маҳкам боғлаб қўйилган. Дарахтларнинг қисмати шу. Аммо инсон нега ёлғизлик азобидан қийналиши керак, ахир, унинг оёқлари бор-ку? Нега у ўзи истаган одамлар ёнига бориб яшай олмайди, ҳатто одамлар орасида яшайтиб ҳам ёлғизлики тунди?

Жумлаи жаҳонда тирик жон борки, нимагадир муҳтожлик сезади. Шу эҳтиёж сабаб қийналади, тўлғанади, балки ҳаётини ҳам бой беради. Лекин муҳтожликлар ичидан энг даҳшатлиси одамнинг одамга муҳтожлиги

экан. Инсон бутунлай ёлғиз қолгандагина ёлғизларнинг дардини ич-ичидан ҳис этади. Кейин бирон ёлғиз мавжудотни кўрди дегунча, унинг ёнига интилади, ҳатто гаплашмасдан ҳам ҳасратларини у билан баҳам кўради ва кўнгли оз-моз бўлса-да таскин топади. Буни мана шу ёлғиз дарахт ҳам дарахтлик ҳолича тушуниб етди, эҳтимол. У анча вақтлардан бери ўзининг соясидан кўним топган Ҳожиқулнинг ўзи қаёқадир кетишни эмас, қимнингидир келиши-

уларни кутиб туришган эди. Ҳавонинг авзойи бузилиб, булут бостириб келаётганидан автобусдаги йўловчилар тоқатсизлана бошлашди. Оқсоқолни кўриши билан ҳайдовчи автобус моторини гуриллатди. Йўлда кетаётганларида оқсоқол кўз қири билан секингина Маҳкам ўтирган томонга разм солди. Маҳкам тобора ортда қолаётган шаҳар биноларига автобус ойнасидан қараб-қараб кўярд.

Автобус қишлоқ бекатиға келиб

ЁЛҒИЗ ДАРАХТ

ни истаб йўлга қараб ўтиришини кўравериб билиб олган. Дарахтнинг ку сабри яна юз йилларга, балки ундан ҳам кўпроғига етар. Бироқ инсон-чи? У қанчалар бардошли бўлмасин, афсуски, умри ўлчовли. Бир замоналар мана шу тутнинг шоҳларига чиқиб, хом-пишиқ аралаш меваларини териб еган, чумчуқлардек чугурлашиб ўйнаган қанча-қанча болакайлар бир зумда боболарга айланди. Кейин уларнинг умри адоғига етиб, қишлоқ аҳли елкаларида кўтариб бирин-кетин қабристонга олиб ўтганларида ҳам шу дарахт титраб-титраб кузатиб қолган эди. Унинг кўриб тургани ҳамон ўша манзара — келишмоқда, кетишмоқда. Фасллар дарахтга тақдор-тақдор япроқлар тақиб, турли рангларга бўяйди, ёмғиру қорлар галма-галдан чертиб ўтади, шамоллар эса унинг шоҳларини сийпаб, ҳаёт куйини чалади.

Маҳкам ҳокимият биносидан чиқар экан, уйига етгунча фақат отаси билан боғлиқ хотираларни уйлаб борди. Кечкурун роппа-роса олтида эса Хидир оқсоқол билан Неймат бува бекатга келишганида, Маҳкам хотини, қизи ва ўғли билан қатта катта чамадонларини кўтариб,

тўхтаганда қоронғи тушаётган, тоғ чўққилари устида чакмоқ чакнаб, ёмғир томчиламоқда эди. Хидир оқсоқол автобусдан тушди-ю, тутга суяниб ухлаб қолган Ҳожиқул сартарошни кўриб, хуноби ошди:

— Эй, Ҳожи, тур ўрнингдан-е. Бир кунмас, бир кун шу дарахтнинг остида ўлиб қолсан-да, сен. Ҳали ҳам кетмадингми, нима деб тайинлаган эдим?

Ҳожиқул сартарош чўчиб, қўзларини очди. Букчаганча бели қотиб қолган шекилли, ўрнидан туролмади. — Э, мана бу тут бечорани кўрмайсизми, қаров бўлмаса қуриб қолади-да бу, — деди сартарош айбдордек инқиллаб.

Кейин автобусдан тушган ўғли, келини ва набираларини кўриб, яна ўрнидан туришга уринди, бироқ турсулмай қийналди. Маҳкам дарров келиб, отасининг туришига кўмаклаш-

У.РЎЗИЕВ 1974 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Атиргул" романи, "Қадр кечаси", "Тоғлар исканжаси", "Оқ чўққининг боласи" қиссалари, "Тонгда қайтган қаптарлар" номили ҳикоялар тўплами чоп этилган.

маҳсулотларини намоишга қўйган ташкилот, хусусий корхона ва фирмалар олдида қўли-қўлига тегмай шартнома тузаётган, келишувларни амалга ошираётган ҳамкорларга дуч келамади.

Мана, Ўзбекистонда ягона бўлган "Button" тўлма ишлаб

чиқарадиган фабрика ҳодимлари ҳам ҳамкорлик қилишни истаган ташкилотлар билан шартнома имзолашмоқда. Юздан ошқичиқчилик фабрикаларига тўлма етказиб бераётган ушбу корхона маҳсулотлари

ни борлиги мижозларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди "Maroqand Sifat" ип маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компания менежери Азиз Назаров. — Бу эса соҳа, соҳаларо ва халқаро кооперацияни ривожлантириш асо-

ни борлиги мижозларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди "Maroqand Sifat" ип маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компания менежери Азиз Назаров. — Бу эса соҳа, соҳаларо ва халқаро кооперацияни ривожлантириш асо-

сида янги ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш, хорижий ва салохиятли ҳамкорларни жалб қилиш учун янги имкониятлар эшигини очди. "Reiter", "Savio" сингари машҳур хорижий технологиялар бизнинг рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришмида қўл келмоқда. Саноятчилар форумининг ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётгани боис ҳамкорларимиз кўпаймоқда. Нафақат ҳамкорлик алоқалари, балки ишлаб чиқаришдаги янгиликлардан ҳам бохабар бўлмоқдамиз.

Қизгин давом этаётган ярмаркада Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзавтосаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзавтотўл", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзмонтажмахсусқурилиш" компаниялари, "Ўзпахтасаноат" каби бир қатор ташкилотларнинг тақдирот маросимлари ҳам ўтказилмоқда.

Иккинчи ноябргача давом этадиган IX Халқаро сановат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирокчиларга вазирлик ва идоралар, банклар, суғурта компаниялари, сертификатлаштириш ҳамда стандартлаштириш соҳасидаги ташкилотлар мутахассислари он-лайн тарзида ўз хизматларини тавсия этмоқдалар. Чунки ярмарка нафақат ички, балки ташқи сановатчилар билан алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳам замин яратди.

Б. СУЛТОНОВА

АЁЛ ҚАЛБИНИНГ ТАФТИ



А.ПОПОВ олган сурат



Бадий академиянинг кўргазмалар залида таниқли мусаввира Римма Гаглоеванинг "Кексаларни эъзозлаш йили"-

га бағишланган ижодий кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг манзара ва натюрмортлардан иборат юздан ортиқ ижод намуналари намоиш этилмоқда. Мусаввира натюрмортларида аёл қалбининг тафти, назокати ва нафосати мужассам. Болаликда кўрган-кечирганлари "Қутиш", "Сухбат" синга-

Кўргазма залларида

ри туркум асарларига кўчган. "Қаҳратон қиш", "Пичанзор", "Тоғлар", "Хоразм аёллари" каби картиналаридаги манзаралар унинг юксак маҳоратидан далолат беради. Кўргазмадаги барча композициялар мусаввиранинг рангин дунёси билан томошабинларни яқиндан таништиради.


ЭЗГУЛИККА ОШУФТА ДИЛЛАР

Халқаро маданият қарвонсаройида юртимизда Япония волонтерлик фаолиятининг ўн беш йиллиги ва ушбу дастурнинг эллик йиллигига бағишланган "Эзгуликка ошuftа диллар" номли кўргазма очилди. Унда волонтерларнинг турли соҳалардаги иш фаолиятини ёритувчи юздан ортиқ фотосуратлар намоиш этилмоқда. Волонтерлик — Япония Халқаро ҳамкорлик агентлигининг кўплаб дастурларидан бири. Ўзбекистонда 2000 йили илк бор япон волонтерлари иш бошлаган. Бугунги кунда республикада уларнинг икки юздан ортиғи иш олиб боради. Тадбир доирасида япон санъати дурдоналари бўлган рақс, қўшиқ, каллиграфия, япон таоми, чой маросими, оригами, икебана ва бошқа йўналишлар бўйича маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА

Журналларни варақлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2015 йил, сентябр ойи сони



Журналнинг навбатдаги сонида Мексика адабиётига кенг ўрин берилган. Дастлаб "Глобус" руқнидаги мақолаларни ўқиб, Мексика давлати, адабиёти тарихи ва бугунги қиёфаси, бу мамлакат санъати, театри, киносига доир бой маълумотлар билан танишасиз. Мексика шеърятининг мумтоз намуналари ва замонавий шоирлари ижодидан танланган туркум шеърларни Д.Ражаб, А.Азим, А.Обид таржималарида ўқийсиз. Бруно Травеннинг "Нотавон кўнгил" ҳикоясини Д.Алиева ўзбекчалаштирган.

Лилион Росснинг "Хемингуэй портрети" (О.Абдуллаев таржимаси), Жорже Стрелернинг "Брект билан сўнгги учрашув" (Б.Қурбон таржимаси) асарлари Фарб адабиёти ва саҳна санъати намонадларининг ҳаёти, ижоди ҳақида қизқарли маълумотларга бири. Гоголнинг "Сингилларга мактублар"ини (О.Хайруллаев таржимаси) ўқиб, ёзувчининг руҳияти ҳақидаги баъзи гаплар асоссизлигига, унинг инсонпарвар шахс эканига амин бўласиз.

Элдор Мухторовнинг ўзбек театр санъатининг атоқли сиймоларидан бири Баҳодир Йўлдошев ҳақидаги "Шамолда ёнган олов" (А.Файзулла таржимаси), Ўдир Норматовнинг устоз мусаввир Чингиз Аҳмаров ҳақидаги эсселари билан ҳам журналнинг ушбу сонида танишасиз. Шунингдек, ўтган сонларда босилган "Фарҳод ва Ширин" дostonининг русчага насрий таржимаси, Ж.Санднинг "Индияна" романи, Менандрнинг "Одамови" драмаси давомларини ҳам ушбу сонда ўқийсиз.

Дилрабо ТУРДАЛИЕВА

БЕДОРЛИК



Таниқли шоир Зикрилла Неймат шеърятинида фикр тиниқлиги, мисраларнинг ички оҳангдорлиги аққол сезилади. Яқинда "Мумтоз сўз" нашриётида чоп этилган "Қалбим қалъаси" номли тўпла-

мига муаллифнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари жамланган. "Тинч кунлар қадри", "Ҳақиқатнинг қуёши сўнмас", "Аёл ва муҳаббат мадҳи", "Баҳор ва Бухоро соғинчи" номли руқнларда тартиб берилган тўпламга ғазаллар, туюқ ва тўртликлар ҳам киритилган. Хар бир руқннинг ички мундарижаси ва мазмуни ўзига хос.

Китобнинг илк саҳифаларидаги "Янги ой", "Қўқда ой кезган кеча",

"Ҳаёт сабоғи" сингари шеърлар мумтоз оҳангларга ҳамоҳанг. Шунингдек, тўпламдан қадрдон ва самимий туйғулларнинг гўзал тасвири чизилган шеърлар, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, олам ва одам мавзуларига бағишланган туюқ ва тўртликлар ҳам ўрин олган.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев китобдаги сўзбошисиди: "Гарчи барча шеърларни бир умумий ички оҳанг ва туйғу бирлаштириб турса-да, мазмун жиҳатдан ҳар бир руқни бошқасидан фарқлайдиган жиҳатлари бор.

Шундай бўлса-да, бутун тўпламга "Бағрингда Йилмончи бут сақламоқ-чун, Сен мудом бедор бўл, қалбим қалъаси!" банди ва муҳаббат мадҳи", "Баҳор ва Бухоро соғинчи" номли руқнларда тартиб берилган тўпламга ғазаллар, туюқ ва тўртликлар ҳам киритилган. Хар бир руқннинг ички мундарижаси ва мазмуни ўзига хос.

Китобнинг илк саҳифаларидаги "Янги ой", "Қўқда ой кезган кеча",

Вазира ИБРОҲИМОВА

ЕТТИ ИҚЛИМГА МАЪЛУМ

ри билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури туфайли ишлаб чиқарилаётган сановат маҳсулотлари ҳажми ва тури ошди. Дастур доирасида умумий қиймати 5 миллиард доллاردан ортиқ 602 маҳаллийлаштириш лойиҳасини ҳаётга таъбиқ этиш ва талаб юқори бўлган мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган. Халқаро стандартларга мос ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар жойлаштирилган "Ўзэкспомарказ" кўргазма заллари ҳамда очик майдонидида енгил сановат, қурилиш, машинасозлик, нефть-кیمی, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат, металлургия каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўласиз.

— Бу йил кўргазмада 42 номдаги маҳсулотларимиз билан қатнашмоқдамиз, — дейди "TEXTILE MAKER" масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Олим



маҳсулот ишлаб чиқариш учун тинмай изланиши керак бўлади. Биз ҳам соҳада қандай янгилик бўлса, ўзлаштиришга ҳаракат қилаёلمиз. Экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқараёلمиз.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сановат маҳсулотларига чет элларда ҳам талаб кучаймоқда. Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, экспортга маҳсулот етказиб бериш кўламини диверсификация қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш до-

ирасида ўтган даврда 50 га яқин янги маҳсулот бозори, жумладан, Туркияда (юк автомобиллари, автобуслар), Бразилияда (автомобил чироқлари), Кореяда (автомобиллар учун бутловчи қисмлар, ишлов берилган чарм), Нидерландия ва Ҳиндистонда (мо-

пишиқ-мустаҳкамлиги билан харидоригир. Боиси, у полиэфир смола хомашёсидан Италиядан келтирилган ускуналарда тайёрланаркан.

Шаҳару қишлоқларимиз кўрқига кўрк қўшаётган замонавий турар жойлар "Binokor" каби темир-бетон ишлаб чиқарадиган завод ва қорхоналар маҳсулотларидан бунёд этилаётгани ҳар биримизга гўрур бағишлайди. Ёки ўзининг жозибадорлиги билан аёлларни мафтун этиб келаётган адраслардан қийим-кечак тикадиган Хоразмнинг "Урганч миллий тикувчилик" оилавий корхонаси маҳсулотлари ҳам шу ернинг ўзидаёқ харид қилинаётгани миллий лигизимизнинг қадр-қиммати юксалаётганидан далолат. Самарқанддаги "Sam Anter Gilam" қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган гиламлар олдида хорижлик меҳмонлар ҳам айланиб, ўрганиб юрибди.

— Маҳаллий қорхоналар томонидан чиқарилаётган хомашё, асбоб-ускуналар ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри сотиб олиш имко-

либден), Буюк Британияда (кабел ўтказгич маҳсулотлар) ва бошқа ҳудудлардаги бозорларда ўз маҳсулотларимизни сотаямиз. Бундан ташқари, Африка ва Жанубий Американинг илгари савдо муносабатлари ўрнатилмаган 13 давлатига минерал ўғит, каолин, енгил автомобиллар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Қувонарлиси, барча маҳсулотлар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиққа эга.

Кўргазма залларини айланишда давом этарканман,



O'zbekiston adabiyoti va san'ati



Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилмиз: info@uzas.uz, uzas@mc.uz

Тапқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бом муҳаррир Сирожиддин САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўзنامага олинган. Адаби — 4170 Буюртма S — 4275. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА ҚУНААРИ ЧИҚАДИ...

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2381-614X



9 772381 614000

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ